

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 51 (1650), 2026 йил 17 март, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news



## МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИ, САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ЙИРИК ВА ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 16 март куни Олмалик кон-металлургия комбинатига ташриф буюриб, 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида иштирок этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари мис концентратини ишлаб чиқариш жараёни ва комбинатда ташкил этилган Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан танишди, тоғ-кон саноатидаги йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.



Ўзбекистонимиз табиати бетакрор. Яна заминимиз бойликлари бисёр. Табиатнинг бу инъоми биз учун катта имконият, катта имтиёз. Бугунги кунда ана шу захиралардан олинаётган ноёб маҳсулотлар саноатнинг турли тармоқлари ривожига, иқтисодийимиз барқарорлигига, одамлар турмуши фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Олмаликнинг асоси ва драйвери Олмалик кон-металлургия комбинати бўлса, ундаги ҳар бир лойиҳа мамлакатимиз иқтисодийоти ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшади. Оҳангарон дарёси соҳилида, Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари бўйида жойлашган

бу манзилдаги ишлар, янги лойиҳалар, ўзгаришлар кўлами, айниқса, кейинги йилларда янада кенгайди.

3-мис бойитиш фабрикаси шундай эзгу мақсад йўлидаги саноат-ҳаракатлар самарасидир. Бугун ўта замонавий ишлаб чиқариш технологиялари билан жиҳозланган ва меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратилган ушбу мажмуа ўрни бир неча йил аввал қуруқ жой эди. Келгусида бу ерда замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этилиши ҳеч кимнинг тасаввурига ҳам сигмасди.

Бундан саккиз-тўққиз йил аввал Ўзбекистонда бундай лойиҳалар амалга оширилишига нафақат хорижликлар, баъзан

ўзимиз ҳам ишонавермасдик. Аммо вақт ҳакам. Ўтган даврда кўряпмизки, Президентимизнинг қатъий иродаси, узоқни кўра билиш сиёсати, янги Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги ташаббуслари туфайли бугун ҳар бир соҳада катта ўзгаришлар рўй беряпти. Энди инвесторлар Ўзбекистон иқтисодийоти сармоя киритишга шошилмоқда.

Имкон қадар тезроқ ҳамкорлик қилишга интиломоқда. Шу боис, сўнгги пайтларда юртимизда саноат, энергетика, инфратузилма, сервис соҳаларида кўплаб йирик лойиҳалар ишга туширилмоқда. Охириги тўққиз йилда конларни инвесторларга бериш бўйича шаффоф тизим яратилгани сабабли

10 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилгани, айни пайтда ушбу йўналишда 65 та хусусий корхона фаолият юритаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Натижада тармоқда ишлаб чиқариш 1,7 баробар ўсиб, ўтган йилда 270 триллион сўмга етди. Саноат ҳажми ва бюджетга тушумнинг тўртдан бири ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг муҳими, ҳозир юқори маош олаётганлар ҳам айни шу тармоқ корхоналарида. Қолаверса, илгари биз қимматбаҳо ва рангли металлларни четга, асосан, хомашё сифатида сотган бўлсак, энди йилга 100 минг тонна мис ўзимизда қайта ишланиб, ундан юқори қийматли маҳсулотлар яратилмоқда. Жорий йилнинг ўзида рўёбга чиқарилган лойиҳалар ҳисобига мисни чуқур қайта ишлаш қувватлари 240 минг тоннага етказилди. Яқин икки-уч йилда бу кўрсаткич янада кўпаяди. Демак, ҳали олдинда янги лойиҳалар бор.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ушбу лойиҳа бугунги даврнинг энг муҳими ва зарур ташаббусидир. Давлатимиз раҳбари 2021 йилнинг 29 июль куни Олмалик кон-металлургия комбинати негизда рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишлари билан танишиш чоғида “Ешлик-1” конини ўзлаштириш дастури доирасида янги қувват — 3-мис бойитиш фабрикасига тамал тошини қўйган эди. Бу, бир томондан, саноати тобора замонавийлашиб бораётган янги Ўзбекистон иқтисодийоти учун ҳаётий зарурат бўлса, иккинчи томондан, жаҳон бозорида ушбу маҳсулотга талаб тобора ошиб бораётган пайтда энг оқилона ва узоқни ўйлаб қилинган катта қадам бўлди.

Бугун янги Ўзбекистон иқтисодийоти дунё иқтисодийоти тобора интеграция бўлиб бормоқда. Дунё бозори маҳсулотларимизни кутмоқда. Дунёда рангли металлларга талаб кун сайин ортмоқда. Буни маросим чоғида Президентимиз ҳам алоҳида таъкидлаб, “Кимки мис саноатида юқори қиймат занжирини яратса, келажак саноатини барпо этган бўлади. Қайси давлат бу хомашёни чуқур қайта ишлаш учун кучли инфратузилма яратса, у минглаб оилаларга даромад, худудларга

тараққиёт, мамлакатга қудрат олиб келади. Шу боис, биз ислохотларимизнинг илк кунларидан геология-қидирув ишларига алоҳида эътибор қаратиб, мавжуд захиралар ва уларни ишга солиш бўйича имкониятларимизни белгилаб олдик”, деди.

Замонавий дунёда мис ҳақида гап кетганда, бугун эҳтиёж ортиб бораётган электромобиллар, ҳар кун фойдаланаётганимиз маиший техника воситалари алоҳида тилга олинади. Чунки уларнинг асосий хомашёси шу нодир металл. Юқори иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги, коррозияга чидамлилиги ва ишловга осонлиги каби ноёб хусусиятлари уни кўп ишлатиладиган ашёга айлантирган. Қадимдан одамларга фойда келтирган мисга талаб қикаришни ва технология ривожланиш туфайли аста-секин ўсиб бормоқда. Энг муҳими, мана шундай муҳим хомашё бизда бор. Заминимиз бағридаги мис ҳам бойлик, катта маблағ, сармоядир. “Ешлик-1” конидан жорий йилнинг ўзида 20 миллион тонна руда қазиб олинади. Бу рақам келгуси икки йилда 60 миллион тоннага етади.

Умуман, “Ешлик-1” ва “Қалмоққир” конларида 45 миллион тонна мис, 5 минг тоннадан зиёд олтин захираси борлиги, у саноатга камида 100 йилга етадиган кафолатли хомашё базаси экани диққатга сазовордир. Жаҳоннинг энг илгор технологиялари ҳамда юқори сифат стандартлари асосида ишга туширилган 3-мис бойитиш фабрикаси ана шу бойликни янада кўпайтиришга, маблағни фойдага айлантиришга хизмат қилади. Фабрикада Metso, FLSmidth, Weir Minerals ва Siemens каби дунёнинг етакчи компаниялари технологиялари жорий этилган. Ишлаб чиқариш жараёни Siemens PCS 7 ва AVEVA PI Vision рақамли платформалари орқали бошқарилиб, 20 мингдан ортиқ ускунани ягона тизимда мониторинг қилиш имконини беради. Марказий диспетчерлик бошқарув пункти орқали энергия сарфи, руда истеъмолли, сув таъминоти ва технологик жараёнлар доимий назорат қилинади. Бу эса хавфларни барвақт аниқлаш, режадан

ташқари тўхталишларни камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан фабрика кон-металлургия соҳасидаги стратегик аҳамиятга эга йирик саноат объектларидан биридир. Яъни у Чилидаги йилга 131 миллион тонна мис-молибден бойитиш қувватига эга Cerro Verde фабрикаси, йилга 128 миллион тонна қувватли Escondida, 69 миллион тонна қувватли Los Pelambres, 77 миллион тонна қувватли Collahuasi, Перудаги 62 миллион тонна қувватли Toquepala каби мажмуалар қаторидан жой олади. 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилиши жаҳон бозорини мис нархи ўсиши тенденцияларидан самарали фойдаланиши, Ўзбекистоннинг экспорт даромадини ошириши, маҳаллий ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳамда миллий иқтисодийотида мис кластерини тизимли ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

2025 йил 30 март куни фабрика илк синов тарихисидан ишга туширилган эди. Бугунги кунга қадар “Ешлик-1” конидан қазиб олинган 2,8 миллион тоннадан ортиқ маъдан дастлаб кон худудидан майдалаш bosқичидан ўтказилиб, фабрикага етказилди. Натижада 40 минг тоннадан зиёд мис концентрати ишлаб чиқарилиб, мис эритиш заводига юборилди.

Фабрика тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг 4000 га яқин янги иш ўрни яратилади. Ҳозир 1404 ходим фаолият юртимокда. Уларнинг аксарияти ёш мутахассислар. “Муҳандислар мактаби” ва “Олмалик КМК” АЖ таркибий бўлиналарида амалий тайёргарлик ва малака ошириш курсларини ўтамоқда.

3-мис бойитиш фабрикаси қурилишида 23 мингдан зиёд қурувчи ва мингдан ортиқ махсус техника иштирок этди. Қурилиш жараёнида 789 минг куб метр бетон, 109 минг тонна арматура, 69 минг тонна технологик ускуна ва 65 минг тонна металл конструкция монтаж қилинди. Шунингдек, 299 минг метр технологик қувур, 1,54 миллион метр электр кабели ва 930 минг метр автоматлаштириш кабеллари ётқизилди.

▶ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини янги таърирдаги Конституция лойиҳаси бўйича референдум муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриқлади.

Қабул қилинган янгиланишлар Қозоғистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга ишончли ҳуқуқий асос бўлиши ва қўшимча суръат бағишлаши таъкидланди.

Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражадаги келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа устувор соҳаларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, биродар халқларимизни яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити ва Наврўз байрами муносабати самимий кутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва бардавом равнақ тиладилар.

ЎЗА

## Фаровонлик харитаси

### Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар

#### ИМКОНИЯТ ВА ИЗЧИЛ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

Янги Ўзбекистон маҳаллалари тубдан янгиланмоқда. Бир пайтлар турли маълумотнома беришдан нарига ўта олмаган тузилма бугун масалаларни жойида ҳал қилмоқда. Энди ана шу имкониятлар янада кенгайиб, маҳалланинг иқтисодий, ижтимоий салоҳияти оширилмоқда. Содда айтганда, барча маҳалла ҳар бир жабҳа ва йўналишда янги Ўзбекистонга муносиб қиёфа касб этапти. Мазкур ишларда Президентимизнинг “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали худудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қияпти.



Хусусан, Фарғона вилояти Риштон туманидаги “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинига “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилди. Янги лойиҳа қишлоқ меъморий қиёфаси, одамлар ҳаёт тарзига янги ҳаёт, кўтаринкилик олиб кирди. Ташаббус доирасида маҳалла аҳолини шу жойнинг ўзида иш билан банд бўлишини таъминлайдиган намунали масканга айлантирилади.

▶ Давоми 3-бетда

## ОЛМАЛИҚ ОЛҚИШИ

Олмаликнинг тупроғида олтин гуллар, Ҳавас билан боқиб турар қанча эллар, Дил шодланар, шукронадан яйрар тиллар, Ер устини ер остин ҳам маъданга кон, Қудратингга кўз тегмасин, Ўзбекистон!

Ҳар қаричи хазинали дёримсан, Кўёши ҳеч сўнмас мангу баҳоримсан, Бахт бўйинга тақиб олган туморимсан, Ўзинг гавҳар, ўзинг жавҳар, ўзинг маржон — Ҳайратингга кўз тегмасин, Ўзбекистон!

Дунё бугун қолоқларга назар солмас, Пули йўқнинг саломига алиқ олмас, Кимнинг зару тиллоси бор — бели толмас, Тангри ато этган азиз соҳибдаврон — Шухратингга кўз тегмасин, Ўзбекистон!

“Ешлик-1” бу — шахту ғайрат қони эрур, Ҳур Ватаннинг қалқонию шони эрур, “Сити”ларнинг томирдаги қони эрур, Ҳар кун кўрсам, ҳар кун бўлсам керак ҳайрон, Шиддатингга кўз тегмасин, Ўзбекистон!

Олмалик бу — янги имкон, янги марра, Юрт мулкидир, тоннадан то кичик зарра, Қаерда бор олтимиз миллион деган қарра, Учтинчи мис бойитувчи қутлуг ошён, Ҳайбатингга кўз тегмасин, Ўзбекистон!

Илму ирфон, техникалар асридир бу, Бойлик эмас, маърифатнинг баҳасидир бу, Келажакнинг ишонч деган қасридир бу, Ўзбек билан ҳисоблашар бу қун жаҳон — Давлатингга кўз тегмасин, Ўзбекистон!

Тинчлик бўлсин, дориламон замон бўлсин, Юртбошим ҳам, юртдошим ҳам омон бўлсин, Олмаликнинг олтинга лиқ макон бўлсин — Ҳар онингда асраб турсин қодир Раҳмон, Чин бахтингга кўз тегмасин, Ўзбекистон!

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

# МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИ, САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҚАМЛОВЧИ ЙИРИК ВА ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

## Бошланиши 1-бетда

Мутахассислар фабрикани мегалойиха сифатида эътироф этмоқда. Буни кўйидаги таққослар билан изоҳлашмоқда. Яъни унинг қурилишида ишлатилган металл конструкциялар ҳажмига тенг материалдан 10 та Эйфел минораси, темир-бетон сарфига эса қарийб 2,5 та Бурж Халифа минорасини барпо этиш мумкин.

Олмалик, хусусан, унинг юраги — Олмалик кон-металлургия комбинати ҳақида эшитмаган, билмаган инсон орамизда топилгани мушкул. Кейинги йилларда ушбу манзилда амалга оширилаётган улкан лойиҳалар нафақат оддий юрдошларимизни, балки шу ерда кўп йиллар меҳнат қилган инсонларни, соҳа мутахассислари ҳайратини ошираётгани ҳам рост. Ахир бундай йирик лойиҳани қисқа фурсат ичида рўйб-га чикаришнинг ўзи катта мўъжиза. Буни тантанали маросимга келган ҳар бир киши сўздан билдириб, кўздан, ҳаяжондан сездириб туради.

— Ун саккиз йил комбинатнинг руҳ заводида меҳнат қилиб, шу ердан нафақага чиқдим, — дейди меҳнат фахрийси Холмамат Усмонов. — Бугун бу ерда меҳнат қилаётган шогирдларимга, ёшларга ҳавасим келиб турибди. Чунки ўта замонавий тарзда кўз ўнгимизда қад ростлаган ушбу фабрика ёшларга катта имконият яратиб берди. Ҳам доимий даромадли бўлиш, ҳам ишлаш, илгор технологияларни бошқариш нуктаи назаридан. Қолаверса, улар ўз меҳнати орқали Ўзбекистонни дунёга янада яқинроқ танитади. Сабоби, ҳозир Ўзбекистонда, хусусан, комбинатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунё бозорига хариддордир. Катта ўлгим измидан борган. Комбинатда ишлайди. Бугун у ва сафдошларининг бахти давлат уларни қадрлаётганида, муносиб меҳнат шарафни яратиб берилганида. Бу жуда катта гап.

Олмалик кон-металлургия комбинати мис-молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Марказий Осиёда етакчи. Мис маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича эса дунёдаги 30 та йирик корхонадан бири. Бугунги кунда комбинат таркибига 6 та кончиллик корхонаси, 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва руҳ заводлари, марказий таъмирлаш-механика заводи, оҳак заводи, санот темир йўл транспорт бошқармаси, автомобиль ва технологик транспорт бошқармалари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармаси, шунингдек, 20 дан ортиқ ёрдамчи цех ва лаборатория киради. Уларда 35 мингдан зиёд

**“Замонавий технологиялар, рақамли бошқарув ва инсон капитали уйғунлиги асосида барпо этилган йирик санот мажмуаси — 3-мис бойитиш фабрикаси Ўзбекистон кон-металлургия санотининг янги босқичга кўтарилаётганига ёрқин мисол бўлади.**



инши-ходим фаолият юритади. Йилга 148 миң тоннадан ортиқ мис катода, 90 миң тонна руҳ, шунингдек, олтин ва кумуш, молибден куйиндиси, рений, селен, теллур ва кадмий каби металллар ишлаб чиқарилади.

Комбинатнинг маъдан захиралари “Қалмоққир”, “Сариққўққи”, “Ешлик-1” оқиқ конлари ва 4 та ер ости қонида жойлашган. “Ешлик-1” ва “Қалмоққир” конлари бирлаштириш натижасида дунёда маъдан таркибидан олтин ҳажми бўйича энг йирик кон дея тан олинган.

“Ешлик-1” қонини ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси Ўзбекистон тарихидаги энг йирик ишлардан бири бўлиб, уни бежиз “аср лойиҳаси” дейишмайди. Мазкур қонини очилишига ҳам давлатимиз раҳбари томонидан старт берилган эди. “Ешлик-1” қонини қуриш бўйича лойиҳа бошидан буён 248,9 миллион куб метр кон юзасини очиш ишлари бажарилди. Қоннинг узунлиги 4 километр, эни 2,3 километр ва чуқурлиги 250 метрга етди. 45,6 километр узунлидаги темир йўл ўтказилиб, электрлаштирилди. Ҳозир қонда 400 та техника ишламоқда. Узунлиги 4,2 километр бўлган магистрал конвейерлар маъданни 3-мис бойитиш фабрикаси хомашё омборига ташишга тайёрланди. Унинг ўзига хос жиҳатларидан бири — ер рельефидан келиб чиққан ҳолда баландлиги 44 метр бўлган кўприк орқали ўтади. Конвейер линиясида

маъданни ташиш тезлиги секундига 4 метрни ташкил этади.

Дунёда кечаётган ўзгаришлар янада юқори марраларни кўзлаштириш, доимий изланиш ва ривожланишда, ҳаракатда бўлишни тақозо этади. Замонавий технологиялар, рақамли бошқарув ва инсон капитали уйғунлиги асосида барпо этилган йирик санот мажмуаси — 3-мис бойитиш фабрикаси Ўзбекистон кон-металлургия санотининг янги босқичга кўтарилаётганига ёрқин мисол бўлади.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, фабрика фаолиятига старт берди.

Президентимиз Олмалик кон-металлургия комбинатида барпо этилган мис концентратини филтрлаш корпусида ҳам бўлди. 3-мис бойитиш фабрикаси таркибидagi корпус йилга 917 миң тоннага яқин мис концентратини ишлаб чиқариш қувватига эга. Замонавий санот пресс-филтрлари, насос агрегатлари, шлам ва сув айланма тизимлари ўрна-тилган. Ускуналар халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, юқори самарадорлик ва энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Айни вақтда қурилиш тўлиқ якунланиб, корпусдаги жами 5 та пресс-филтрдан 3 таси тўлиқ ишга туширилган, яна 2 таси ишга туширишга ҳозирланмоқда.

Филтрлаш корпусида флотация жараёнидан келган мис концентратини қабул қилиш, қуюлтириш ва филтрлаш, тиндирилган сувни ажратиш ва қайта ишлаб чиқаришга қайтариш, тайёр мис концентратини сақлаш ёки кейинги қайта ишлаш босқичига узатиш каби технологик жараёнлар амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари уларнинг иш жараёни ва тайёр маҳсулотни кўздан кечирди, ишчи-ходимлар билан суҳбатлашди.

Шу ернинг ўзида Президентимиз иш-тироқида мис концентратидан намуналар олиш маросими ўтказилди. Намуналар 2 та алоҳида идишга солиниб, комбинат музейи ва пойтахтимиздаги Давлат геология музейига юборилди.

Шундан сўнг Президентимиз комбинатнинг Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан танишди. Мазкур марказ комбинатнинг 1-, 2- ва 3-мис бойитиш фабрикаларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш, самарадорликни ошириш ва улуксиз мониторингни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Замонавий рақамли бошқарув тизимлари, катта экранли мониторинг панеллари, видеокузатув воситалари, шунингдек, Siemens PCS 7 ва AVEVA PI Vision платформалари орқали майдалаш, флотация, қуюлтириш, филтрлаш, реагентлар билан таъминлаш, технологик сув таъминоти, цехлар ва транспорт тизими фаолиятига реал вақт режимида назорат қилинмоқда. Бошқача айтганда, ушбу марказ фабриканинг ўзига хос миёси бўлиб, йиғирма миңдан зиёд ускуна ягона ахборот тизимига уланган. “Ақлли” камералар орқали дастлабки мониторинг амалга оширилади, суный интеллект ёрдамда эса аномал ҳолатлар автоматик тарзда аниқланади. Бу эса маълумотларни ягона ахборот тизими орқали таҳлиллаш ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконини беради.

— Ҳозирги кунда комбинатдаги 400 тадан ортиқ транспорт воситасига автоматлаштирилган тизим ўрнатилган, — дейди Рақамлаштирилган бошқарув маркази таркибидagi корпус йилга 917 миң тоннага яқин мис концентратини ишлаб чиқариш қувватига эга. Замонавий санот пресс-филтрлари, насос агрегатлари, шлам ва сув айланма тизимлари ўрна-тилган. Ускуналар халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, юқори самарадорлик ва энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Айни вақтда қурилиш тўлиқ якунланиб, корпусдаги жами 5 та пресс-филтрдан 3 таси тўлиқ ишга туширилган, яна 2 таси ишга туширишга ҳозирланмоқда.

— Ҳозирги кунда комбинатдаги 400 тадан ортиқ транспорт воситасига автоматлаштирилган тизим ўрнатилган, — дейди Рақамлаштирилган бошқарув маркази таркибидagi корпус йилга 917 миң тоннага яқин мис концентратини ишлаб чиқариш қувватига эга. Замонавий санот пресс-филтрлари, насос агрегатлари, шлам ва сув айланма тизимлари ўрна-тилган. Ускуналар халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, юқори самарадорлик ва энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Айни вақтда қурилиш тўлиқ якунланиб, корпусдаги жами 5 та пресс-филтрдан 3 таси тўлиқ ишга туширилган, яна 2 таси ишга туширишга ҳозирланмоқда.

Комбинатда бу каби ишлар изчиллик касб этган. Шу ерда давлатимиз раҳбарига комбинатнинг ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларини янада рақамлаштириш бўйича режалар тақдимот қилинди.

Қайд этилганидек, қондан маъдан қазиб олишдан бошлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган барча жараёнлар босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Келгуси беш йилда ҳар бир босқичга суный интеллект ечимларини кенг жорий этиш кўзда тутилган.

Саксон йил давомида тўпланган геологик ва маркшейдерлик маълумотлари асосида қонларни рақамлаштириш ишларининг бо-риши ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, “Рақамли қон” тизими қурилиш, ҳафталик ва ойлик қазил ишларининг аниқ йўналишларини белгилаш имконини бермоқда.

Суный интеллект асосида карьер йўллари ҳолати назорат қилинмоқда, юк ташини машиналари шиналарининг босими ва ҳарорати датчиклар орқали кузатиб боришмоқда. Ана шундай доимий мониторинг натижасида шиналарнинг хизмат муддати 14 фоиз оширилган.

Президентимиз Олмалик кон-металлургия комбинатига таширф доирасида тоғ-кон санотидagi йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан йиғилиш ўтказди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда ахборот технологиялари, суный интеллект, робототехника, энергетика, электротехника, кимё ва мудофаа саноти каби стратегик тармоқларни жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан мис, уран, литий, вольфрам ва бошқа муҳим металллар базасига таянади. Дунё бозорларида мазкур ресурсларга талаб ошиб бораётгани, жумладан, мис концентратини бозоридa тақчиллик кучайиб, нархлар ўсиши кутилаётгани тоғ-кон ва металлургия соҳасидаги лойиҳаларни тезлаштиришни янада долзарб қилиб қўймоқда.

Ҳозирги кунда энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бундай шартотда эса, айниса, кўмир қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш лойиҳаларини муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, йиғилишда бу борадаги ишларни жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли ва санот корхоналарига қўйиб берилган мис ва қўйиб берилган мис юзасидан вазифалар белгиланди.

Шу муносабат билан 2030 йилга қадар Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқаришини 175 тоннага, кумушни 500 тоннага, уранини 15 миң тоннага, мисни 500 миң тоннага етказиш бўйича белгиланган марраларга эришиш учун барча имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада ҳар бир йирик лойиҳани аниқ жадал асосида амалга ошириш, молиялаштириш, қурилиш, логистика, технологик жиҳозлаш ва кадрлар билан таъминлаш масалаларини ўзаро уйғунлиқда ҳал қилиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. 3-мис бойитиш фабрикасининг кейинги навбатларини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда, шунингдек, Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти доирасида “Мурунтов” қонини кенгайтиришнинг навбатдаги босқичи, янги қонларни ўзлаштириш, мураккаб рудалардан олтин ажратиш олиш технологияларини жорий этиш, шунингдек, айрим йирик лойиҳалар бўйича инвесторлар билан ҳамкорлик механизмларини қайта кўриб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Металлургия йўналишида “Ўзметкомбинат”да ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички хомашё базасидан самарали фойдаланиш, рақобатбардор маҳсулот турларини кўпайтириш, бозор талабига мос металл листлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, мазкур лойиҳанинг технологик давоми ҳисобланган янги мис эритиш заводини барпо этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Унда техник-иктисодий асосни яқунлаш, хорижий экспертларни жалб қилиш, қисқа муддатларда қурилиш ишларини бошлаш юзасидан масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Олмалик комбинатининг истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 4-мис бойитиш фабрикаси бўйича техник-иктисодий асосни ишлаб чиқиш учун нуфузли халқаро компанияларни жалб этиш вазифаси алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш якунида тоғ-кон, металлургия, кимё ва нефть-газ каби базавий тармоқларда йирик лойиҳани ижросини тизимли назорат қилиш мақсадида Президентимиз раҳбарлигида Санот кенгаши тузилиши маълум қилинди. Ушбу кенгаш доирасида йирик корхоналарни халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, таннарх ва энергия сарфини камайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, маҳаллий контентни ошириш, барча жараёнларни рақамлаштириш, суный интеллектни жорий этиш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш бўйича ойлик иш режалари тасдиқланди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## РАҚОБАТ МИҚДОР БИЛАН ЭМАС унумдорлик ва сифат билан белгиланади



**Мамлакатимизда ипакчилик ва пиллачилик аҳолини даромадли иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларда бандликни ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим ўрин тутаяди.**

Ўзбекистон ипак ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакатлардан. Бу эса соҳани комплекс ривожлантириш, барча бўгинини ўзаро уйғунлаштириш учун катта имкониятлар яратаяди. Бундан самарали фойдаланиш учун, аввало, пилла етиштирувчи фермернинг ўрни ва мақоми қайта кўриб чиқиш зарур. У ишлаб чиқариш заنجирининг энг заиф бўғини бўлиб қолмаслиги, балки иқтисодий муносабатларнинг тўлақонли иштирокисига айлланиши лозим.

Янги моделнинг зарурлиги шундаки, у шаффоф нарх белгилаш тизими, узоқ муддатли шартномалар ва даромадини хомашё сифатида мувофиқлаштириши лозим.

Бу рақобатни ҳажм бўйича эмас, балки маҳсулот стандарти бўйича рағбатлантиришга хизмат қилади. Жаҳон бозори талабларидан келиб чиқсак, айнан ипак параметрларининг барқарорлиги премиум сегментга чиқиш имкониятини белгилайди.

Ушбу жараёнда ресурсларни жамлаш ҳам жуда муҳим. Замонавий тармоқлар, лаборатория назорати ва қуришни инфратузилмасига эга, ихтисослаштирилган марказларни шакллантириш технологик интизомни йўлга қўйиш имконини беради.

Хомашё базасини янгилаш алоҳида йўналишидир. Тут дарахтига стратегик экан сифатида қараб лозим. Бу, албатта, тизимли парвариш, селекция ва узоқ муддатли режалаштиришни талаб этади. Кўчат етиштириш, унинг агротехнологиясига киритилган сармоя бир неча йил давомида самара беради. Айнан шу омиллар бутун тармоқ барқарорлигини белгилайди. Устувор вазифалардан бири мамлакатда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат.

Президентимиз ҳузурда жорий йил 17 февраль кун ипакчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан қилинган тақдимотда кўзда тутилган вазифалар ҳам соҳа ривожига хизмат қилади.

— Тақдимотда пиллачилик тизимидаги барча босқич кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор озуқа базаси, уруғчилик, пилла ва ипакчилик билан шуғулланаётган аҳолини қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига қаратилди. — дейди Енгил санотни ривожлантириш агентлиги директори Нозим Холмуродов. — Шунингдек, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги насли уруғчилик станцияларида элита уруғлар тайёрлаш, 10 та ипак курти уруғчилик корхонасига қўшимча жорий йилда Бухоро ва Наманганда 2 та янги уруғчилик корхонаси, 2027-2029 йилларда Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 4 та янги корхона ташкил этилади.

Ипакчилик жуда катта қўшимча қиймат яратадиган соҳа ҳисобланади. Уни ривожлан-

тиришдаги биринчи катта муаммо — озуқа базаси. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги озуқа базасини яратиш ва янги механизмларни жорий этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларига сифатли кўчатларни етказиб бериши зарур.

Иккинчиси, Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида ипак курти уруғини етиштириш билан боғлиқ. Ҳозир қарийб 70 фоиз уруғ импорт қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий генфонддан тўлиқ фойдаланилмаётганини аниқлатади. Айни мақсадда молекуляр, генетик лабораториялар ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.



тузилмалари, ипакчилик кластерлари ўзаро мувофиқлашган тарзда фаолият юритиб, янги туздорларни барпо этишдан тортиб, етиштирилган пиллани сотиб олишгача бўлган барча босқичда фермерлар, касаначилар ва курт боқувчилар ишларни ташкил этади ҳамда уларга кўмаклашяди. Кам даромадли, ижтимоий реестрга киритилган оилаларни пиллачиликка жалб этиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, жорий йилдан бошлаб “маҳалла етилиги” орқали аҳолига 1 килограмм пилла қийматининг 35 фоизи миқдорда субсидия, парвариллаш жиҳозлари ва ускуналар харидига 20 миллион сўмга ссуда ажратилиши йўлга қўйилди.

Пиллачиликда санот усулини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳозир пилланинг асосий қисми хонадон шартотида етиштирилмоқда. Лекин махсус қуртхоналар ташкил этиш орқали ҳажм ва сифат барқарорлигини таъминлаш мумкин. Бунда кластерлар томонидан қуртхоналарни қуриш ва ишга туширишни рағбатлантириш, жумладан, қуртхоналарни ер ва мол-қўли солнигдан 2029 йил 1 январга қадар озод қилиш тақдир этилди. Экспорт ва қўшилган қийматни ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда маҳаллий пилладан юқори сифатли қон ипак олиш ва уни қайта ишлаш улуши пастлигича қолаётгани қайд этилди. Сифатни ошириш ва чуқур қайта ишлашни кенгайтириш ҳисобига экспорт тушумини 250 миллион долларга ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, 2030 йилга қадар умумий қиймати 200 миллион долларлик 21 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳам ипакни қайта ишлаш ҳажмини 3000 тонна ва даражасини 75 фоизга етказиб, 18,5 миллион логон метр ипак мато ишлаб чиқариш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат. Соҳага рақамли технологияларни кенг жорий қилиш зарур. Айни мақсадда озуқа базасининг ҳисоби, корхоналар реестри, соҳадаги ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни электрон шаклда юритиш, уруғчилик ва пилла хомашёси ҳажмлари, пилла қабл қилиш пунктларини реал вақт режимида мониторинг қилиш жараёнларини қамраб олган ягона ахборот тизими ишлаб чиқилди.

**Лутфулла СУВОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Кизирик туманидаги Такия ва Кунчиқиш маҳаллаларида ҳам “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” концепциялари жорий этилмоқда. Хусусан, беш мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Кунчиқиш маҳалласида лойиҳа асосидаги ишлар босқичма-босқич давом этмоқда.

**ДАВР  
НАФАСИ**

**3**

2026 йил 17 март, 51-сон

**Фаровонлик харитаси**

# Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар

## ИМКОНИЯТ ВА ИЗЧИЛ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

**Бошланиш 1-бетда**

“Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини Фарғона — Кўкон катта автомобиль йўли ёқасида жойлашган. Олти мингдан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилаётган маҳаллада ечимини кутаётган масалалар бор. Ҳозирга қадар маҳалланинг мавжуд инфраструктурасини яхшилаш билан боғлиқ эҳтиёжлар ўрганилиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Аҳоли ва транспорт ҳаракатлариға халақит берадиган бинолар, кўлбола савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрнига замонавий меъморий ечимга эга бино-иншоотлар қурилмоқда.

— Маҳалламиз янги Ўзбекистон қиёфасидаги манзил сифатида танланиб, 5 миллиард сўм ажратилмоқда. Шу орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, камбағалликдан чиқариш учун шарт-шароитлар яратилади, — дейди “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саминжон Рўзибоев. — Маҳаллада 40 та микролоиҳа ишга туширилади. Хусусан, кичик ишлаб чиқариш тармоғи кенгайтирилади. Замонавий поликлиника, ёшлар спорт-соғломлаштириш мажмуалари қурилади. Марказий кўчаларга ўриндиқлар ўрнатилиб, 4 километр йўл асфальт қилинади. Фарғона кўчасининг 2 километрга тўсиқлар ўрнатиш, ариқларга лоток ётқизиш, йўл ёқасида яшил майдон яратиш ишлари бажарилмоқда. Истеъмол юқори бўлган 15 та уй-жойга энергия тежовчи муқобил қурилмалар ўрнатиляпти. Маҳалладаги ижтимоий соҳа объектилари ДХШ асосида таъмирланиб, замонавий иситиш тизимлари қурилади.

Маҳалла аҳли томорқасига “Rishton agro logistik” МЧЖ, “Sherakhun” хусусий корхонаси билан ҳамкорликда экспортбоп гулқарам, қизил ва оққарам экилиб, кейин экспорт қилинади. Тадбиркорлик дастури доирасида “Бизнесга биринчи қадам”, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” ҳамда “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурлари асосида жами 850 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ривожлантирилади. Хусусан, “Бўстон мебеллари” МЧЖ томонидан умумий қиймати 2 миллиард сўм бўлган “Егочга қайта ишлов бериш” лойиҳаси старт олади. “Тиллабоев Зафаржон” оилавий корхонаси ташаббуси билан замонавий савдо ва туризм тармоғи фаолият бошлади.

— Уй шароитида трикотаж ишлаб чиқариш билан шугулланиб келяпмиз, — дейди тадбиркор Ҳайитхон Нуриддинова. — Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” лойиҳаси доирасида ишимизни кенгайтиришга жой ажратиб берилди. Бу ерга 500 миллион сўм сармоя киритмоқчимиз. Натияжада 10 дан зиёд иш ўрни яратилади.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” концепцияси доирасида қамраб олинган масалалар кенг ва ранг-баранг. Асосий мақсад — аҳоли фаровонлигини ошириш орқали уларга муносиб шарт-шароит яратиш. Бу ишларда аҳоли ташаббускорлиги, ҳам-жихатлиги ҳам ортиб бормоқда. Хусусан,



**“ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА “ТАРАҚҚИЁТ ВА ЕТАКЧИЛИК МАСКАНИ” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 30 ТА МАҲАЛЛА “ЯНГИ ЎЗБЕКISTON ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА” СИФАТИДА ТАНЛАБ ОЛИНГАН. ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА 5 МИЛЛИАРД СЎМДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШ БЕЛГИЛАНГАН.**

Умиджон Раҳимов савдо маркази қуриш ташаббуси билан чиқди. Баҳромжон Шарофидинов эса ўқув маркази ташкил этипти.

— Президентимиз қарори асосида Бўстон ва Зоҳидон маҳаллаларида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” концепцияси амалга оширилмоқда, — дейди Риштон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Дониёр Раҳмонқулов. — Худудларни “тароққийёт ва етакчилик маскани”га айлантириш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Лойиҳада савдо, сервис ва кичик ишлаб чиқариш объектилари, бўш ер майдонлари, давлат мулки иншоотлари, хунармандлик, хизмат кўрсатиш ва микросаноат марказлари ташкил этиш имкониятлари ҳисобга олинган. Лойиҳа асосида нафақат танланган маҳаллалар, балки уларга қўшни худудлар

аҳолиси ҳам иш билан таъминланиб, тадбиркорлик кенгайтирилади.

Бир сўз билан айтганда, бундай ҳаётбахш лойиҳалар натияжасида худудлар ҳар жиҳатдан обод бўлиб, аҳолининг тадбиркорлик салоҳияти ошмоқда, қўллаб иш ўрнилари яратилиб, замонавий ва қулай хизмат кўрсатиш ишлари янги босқичга кўтарилмоқда.

**Сурхондарё вилоятида** “Тараққийёт ва етакчилик маскани” дастури доирасида 30 та маҳалла “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” сифатида танлаб олинган. Лойиҳа доирасида ҳар бир маҳаллага 5 миллиард сўмдан маблағ ажратиш белгиланган.

Термиз туманида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” лойиҳаси учун 2 та — Кўнги-рот ва Қаҳрамон маҳаллалари танлаб олинган.

Хусусан, Қаҳрамон маҳалласида кенг қўламли ободонлаштириш ва инфратузилмани янгилаш жадал суръада давом этаётди. Худуддаги 5,4 километр йўл таъмирланди. Энди 1 километр ичимлик сув қувири янгиланади. Иккита замонавий трансформатор, 50 та бетон устун ўрнатишмоқда. Мухими, лойиҳа доирасида 20 га яқин тадбиркорлик ташаббуси амалга оширилиб, 70 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бу эса Қаҳрамон маҳалласида иш-сизликни кескин камайтириб, аҳоли турмуш даражасини яхшилади.

Шербод туманининг қарийб 6 минг аҳоли яшайдиган Деҳқонорик маҳалласи давлат аҳамиятидаги йўл бўйида жойлашган. Ҳозир у Новбир, Ҳақимобод ва Гулчинор маҳаллалари учун ҳам марказ вазифасини ўтайди.

Ушбу худудга ҳам “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилиб, инфратузилма яхшилашиб, тадбиркорлик ривож топади. Аҳоли бандлиги таъминланади.

Лойиҳа доирасида маҳаллада мактаб-гача таълим ташкилоти биноси, дам олиш масканлари, болалар ва спорт майдончалари, педиалар ҳамда саломатлик йўлакчалари барпо этилади. Ҳозир бу борада ишлар бошланган. Шунингдек, яқин келажакда маҳалла худудида кичик бозор, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, хунармандлик устахоналари очилмоқда.

— Бир-бирини тўлдирган дастурлар, лойиҳалар сабаб кўз ўнгимизда маҳаллалар обод бўлиб борапти. Ҳар кунимиз янги бир ташаббус билан бошланмоқда, — дейди

“Деҳқонорик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улфат Бозоров.

Шу кунларда Деҳқонорикда 10 километр ички йўл асфальтланмоқда, 3,5 километр электр тармоғи тортилмоқда. Яқин вақт ичида ичимлик ва сугориш сув таъминотини яхшилаш учун 2 та насос ҳамда 3 та замонавий трансформатор пункти ўрнатилиши кўзда тутилган.

— Маҳалламизда йўл дейсизми, мактаб ёки боғчани, поликлиника, электр, сув, газ дейсизми, ҳаммасида ўзгариш қилиш учун бирдек ҳаракат кетаяпти. Турли ташкилотлар вакиллари бугун жипс бўлиб ишляпти. Бундан ким руҳланади, албатта, шу ердаги одамларда! Дарвозадан ҳатлашимиз билан ободликка дуч келиб, шукрона қиляпмиз. Қайфиятимиз тоғдек кўтарилиб, ҳашар ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этияпмиз, — дейди меҳнат фахрийси Абдулҳамид Зиёдуллаев.

Қисқа вақт ичида Деҳқонорик маҳалласига ҳам шаҳар муҳити кириб боради, у камбағаллик ва ишсизликдан холи, обод ва намунали масканга айланади.

— Энди худудларимизда тадбиркорлик янада ривожланади. Таълим ва ижтимоий соҳа учун кенг шароит яратилади. Вилоятдаги “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” сифатида белгиланган худудлардаги ишларни тажриба ва семинарлар баҳонасида ҳам бориб, кузатиб келяпмиз. Ишлар қизғин. Ҳар бир маҳалла ўз салоҳияти, ташаббускорлиги ва бирдамлиги билан ўзига хос тараққийёт йўлига қадам қўймоқда, — дейди Денов туманидаги “Боғи Эрам” МФЙ раиси Жасур Турдиев. — “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” гоёси фақат йўл ёки инфратузилма янгиланиши билан чекланиб қолмайди. Масалан, бизнинг маҳалла катта йўл ёқасида жойлашмаган. Ривожланиш эса шаҳарлардиган қолишмайди.

Қизирик туманидаги Такия ва Кунчиқиш маҳаллаларида ҳам “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” концепциялари жорий этилмоқда. Хусусан, беш мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Кунчиқиш маҳалласида лойиҳа асосидаги ишлар босқичма-босқич давом этмоқда.

— Кейинги йиллардаги ташаббуслар сабаб маҳалларда фақатгина маъмурий тузилма эмас, балки худуд аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган, одамлар муаммосини жойида ҳал этишга қодир, бандликни таъминлаш ва бунёдкорлик ишлари амалга ошириляётган муҳим манзилга айланмоқда. Бундай катта бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда инсон кадрини улугулашга қаратилган ислохотларнинг амалий натижасидир, — дейди Кунчиқиш маҳалласи раиси Шокир Жумаев.

**“ Жорий йилнинг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб номланиши ҳам тизимлиги ишлар янги босқичга кўтарилишига замин яратмоқда. Шу боис, маҳалла аслиятига қайтиб, одамларни бирлаштирган, уларнинг ҳаёти, орзу-умидлари, қувонч ва ташвишларини ўзда мужассам этган муқаддас масканга айланиб борапти.**

**Расулжон КАМОЛОВ,  
Сарвар ТЎРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

“Маҳалла ислохотлар қаерда ишляпти, қаерда тўхтаяпти, деган саволларга аниқ жавоб берадиган асосий бўғин ҳисобланади. Агар маҳаллада ишсиз одам ёки камбағал оила сақланиб қолаётган бўлса, демак, ислохот ўша жойга етиб бормаган. Агар “еттилик” тизими аҳоли муаммосини ҳал қила олмаётган бўлса, демак, тизим ишлямапти”. Бу сўзлар давлатимиз раҳбарининг камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқидан иқтибос.

Дарҳақиқат, маҳалла жамиятнинг нафақат қўни бўлиши, балки энг муҳим таянч нуқтаси ҳамдир. Маҳаллаларда аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш учун етарли имконият мавжуд. Ҳеч шубҳасиз, жамият тараққийёти, аввало, маҳалланинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига боғлиқ.

Бугун маҳаллани ривожлантириш деганда, биринчи навбатда, аҳолини иш билан таъминлаш, улар учун барқарор даромад манбаларини яратиш, камбағалликни қисқартириш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир қарор ва дастур маҳаллада қандай ўзгариш бўлишига қаратилмоғи лозим. Шу боис, кесимда ишлаш — ислохотларнинг энг тўғри ва самарали йўли.

Аҳолини иш билан таъминлаш фақат янги корхоналар очиб иш билан чекланиб қолмаслиги керак. Маҳаллада мавжуд имкониятларни аниқлаш, ҳар бир оиланинг салоҳиятини ўрганиш, томорқадан унумли фойдаланиш, хонадонда тадбиркорликни ривожлантириш, касб-хунарга ўқитиш орқали минглаб одамларни даромадли қилиш мумкин. Бунда, дарҳақиқат, “маҳалла еттилиги”нинг ўрни бекиёс. Улар одамларнинг дардини, имкониятини, муаммосини яхши билади.

**Бандлик**

# Камбағалликни қисқартиришда Арнасой тажрибаси

Камбағалликни қисқартириш фақат ижтимоий ёрдам дегани эмас. Бу, аввало, меҳнат орқали амалга оширилиши керак. Зеро, касб, доимий иши ва даромади бор оила ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлмайди. Шу боис, маҳаллада камбағалликка қарши кураш иш ўрни, қўллаб-қувватланган томорқа, ўргатишган касб билан бошланади.

Бу борада худудларда шақаланаётган илғор тажрибалар маҳаллани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чорвачилик, деҳқончилик, хунармандлик, хизмат кўрсатиш соҳаларида маҳаллий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда иш юритиш аҳолининг ўз уйи, ўз маҳалласида ишли бўлишига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, одамларда “мен ҳам қила оламан” деган ишонч пайдо бўлмоқда.

— Президентимиз Арнасойда чорвачилик йўналишида қилинаётган ишларни алоҳида эътироф этди. — дейди Арнасой тумани ҳокими Одил Мусанов. — Туманимиз тажрибаси бошқа худудлар учун намуна сифатида қайд этилган, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва уларни кенг омаллаштириш зарурлигига ургу берилгани биз учун дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда туманда хонадонларда насли чорвачиликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш устувор йўналишлардан бирига айланган. Хусусан, 2024 йилда аҳоли хонадонларини ўрганиш жараёнида кўпчилик фуқароларнинг имконият ва қизиқишлари чорвачиликка тўғри келиши инобатга олинди, кам даромадли маҳаллий чорва моллари парваршидан юқори даромад келтирувчи насли чорвачиликка ўттиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди. Натияжада



2024 йил ноябрь ойига қадар 16 та хонадонда 33 бош насли чорва мавжуд бўлган, тарғибот ишлари, семинарлар ва амалий кўмаклар орқали эса сўнгги бир йилда бу кўрсаткич 203 та хонадонда 600 бошга етказилди.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда дастлаб мустаҳкам озуқа базасини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2024 йил октябрь ойида “Мустағ тоғлари” ва “Санзор” фермер хўжаликлари томонидан 600 тонна

силос озуқаси жамғарилди. Озуқа тайёрлашни механизациялаш мақсадида ўтган йили Хитойдан “Bashiran” русумли 2 та ўрим комбайни олиб келинди. Шу орқали “Беруний агротар” компанияси билан ҳамкорликда 3000 тонна силос жамғарилди. Бундан ташқари, галадан бўшлаган 45 гектар майдонга маккажўхори экилиб, 6000 тонна силос захираси тўланди.

“Мустағ тоғлари” фермер хўжалиги орқали хонадонлардан сутни йиғиб олиб, ҳар кунни марказлашган ҳолда 1500 литр сутни қайта ишлаш цехларига етказиб бериш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, туман ички бозорларига қунига минг литрга яқин сўт етказиб берилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, ўтган бир йил давомида аҳоли хонадонларидаги бир бош насли сизирдан ўртача 60-65 миллион сўмга даромад олинган. Бу даромаднинг 30-35 миллион сўми сут маҳсулотлари, 28-30 миллион сўми эса бир ёшли бузоқ ҳисобига тўғри келмоқда.

Бугунги кунда ҳам ушбу ишлар изчил давом эттириляпти. Хусусан, 2026 йил 23 январь кунини “Санзор” фермер хўжалиги томонидан Германиядан яна 60 бош насли сизир олиб келинди.

Жорий йил якунига қадар насли чорва парварши қилаётган аҳоли хонадонлари сонини 1000 тага, насли моллар сонини эса 3000 бошга етказиш режалаштирилган. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласи ҳам Жиззах вилоятида ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. Мисол учун, Зарбдор туманидаги хотин-қизларни касба йўналишида марказларда тикувчилик, тадбиркорлик ва хунармандлик йўналишларида аёлларнинг олган

билими уларнинг мустақил даромад топишига хизмат қилаётди.

“Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, 6 фарзанднинг онаси Муҳаббат Сатторова узоқ йиллар давомида мавсумий ва жисмонан оғир бўлган дала ишларида меҳнат қилиб келган. Бирок бундай ишлар барқарор даромад манбаи бўлмагани, айниқса, аёл киши учун қатор қийинчиликлар туғдириши инобатга олинди, “маҳалла еттилиги” томонидан Муҳаббат опанинг доимий иш билан таъминланишига амалий кўмак берилди.

Айни пайтда она уй шароитида қурут тайёрлаш билан шугулланиб, оилавий бюджетга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ушбу фаолият нафақат барқарор даромад манбаи, балки она шароитига мос, аёл киши учун қулай меҳнат тури сифатида ҳам аҳамият касб этмоқда.

— Илгари мавсумий ишлар билан кун кўрадик, меҳнат оғир, даромад эса доимий эмасди. Ҳозир эса ўзим билан иш билан шугулланиб, болаларим тарбиясига ҳам, оилам даромадига ҳам етарлича эътибор қаратаман. Энг муҳими, эртанги кунга ишонч пайдо бўлди, — дейди Муҳаббат опа.

Мазкур мисол хотин-қизларни касба йўналишига, уй шароитида меҳнат қилиш имкониятларини яратиш орқали уларнинг иқтисодий фаолигини ошириш мумкинлигини яққол кўрсатади. Бу каби ташаббуслар оилалар фаровонлигини ошириб, жамиятда аёлларнинг ўрни ва мавқени мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Жиззах вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар Президентимиз белгилаб берган аниқ вазифаларнинг жойлардаги амалий ифодасига айланмоқда. Бу ислохотлар маҳаллада, хонадонда, одамларнинг кундалик турмушида сезилаётгани билан аҳамиятли. Эндиликда ҳар бир қарорнинг самараси “маҳаллада нима ўзгарди?” деган савол билан ўлчанади. Бу ёндашувнинг моҳияти шундаки, камбағалликка қарши кураш юқоридан пастга тушириладиган дастур эмас, балки маҳаллада бошланган амалий ҳаракатга айланади. Бу ҳаракат эса келгусида аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиши шубҳасиз.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

2026 йил 17 март, 51-сон



Таҳлил

www.yuz.uz

yuz.uz\_news

yuz.uz\_news

# ЖАЗОДАН РАҒБАТГА:

## СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ ИШОНЧ МУҲИТИ

Расталардаги қийматлар, дорихонадаги препаратлар ёки коммунал хизмат кватанциясидаги сумма — булар ҳар бир оиланинг турмуш тарзи, бюджети ва келажак режасига бевосита таъсир қилади. Нархлар изчил ва тахмин қилинадиган муҳитда аҳоли келажакни режалаштиради, тадбиркор эса ишонч билан сармоя киритади. Натияжада иқтисодий сифат жиҳатидан ўсиш имконига эга бўлади. Шу боис, нарх барқарорлигини статистик кўрсаткичдан кўра ҳаётнинг аҳамиятига эга.

Аммо инфляция кучайган шароитда бу мувозунат издан чиқади. Озиқ-овқат, доридармон ёки коммунал хизматлар нархнинг тез-тез ўзгариши аҳолининг кундалик режаларига бевосита таъсир қилади. Даромади чекланган оилалар, биринчи навбатда, истеъмоладан қўқоқиб қолганга мажбур бўлади. Оддий мисол: ўтган йили муайян миқдордаги маблагга бир ҳафталик озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинган бўлса, бугун ўша пулга камроқ товар олиш мумкин. Бу ҳолат пунинг қадри пасайганини аниқлатади. Яъни маблаг миқдори ўзгармаган бўлса-да, имконияти қисқарди.

Шунингдек, инфляция тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар учун ҳам оғир муаммо туғдиради. Хомашё ва транспорт харажати тез-тез ўзгариб турган шароитда маҳсулот таннархини аниқ ҳисоблаш қийинлашади. Бу эса янги лойиҳаларга сармоя киритишда эҳтиёткорликни кучайтиради. Узоқ муддатли инновацион режалар орта сурилади, қисқа муддатли фойдага эътибор кўпроқ бўлади. Шу орқали иқтисодий ўсишнинг сифат жиҳатдан ҳам сусайиши кузатилади.

Инсон бугун меҳнат қилади ва эртанги кунга ишонч билан қарашни истади. Агар топган маблағининг қадри сақланишига ишонч бўлса, у жамғаради, режа тузади, сармоя киритади. Агар ишонч сусайса, эҳтиёткорлик ва иккиланган кучайди. Шу боис, инфляциянинг жилволаш макроеқтисодий вазифа эмас. Бу ҳар бир хонадон дастурхонидан барқарорлигини таъминлаш, бозорда тадбиркор учун аниқлик ва жамият онгидан ишончини сақлаш масаласидир. Барқарор нарх муҳити шаклланишида иқтисодий ўсиш рақамларда эмас, балки ҳар бир оиланинг турмуши, харид қобилияти ва келажакка ишончида акс этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида яширин фаолият улушини қисқартириш, иқтисодий ўсиш суръатига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш ва макроеқтисодий барқарорлигини таъминлаш давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бирига айланади. Бу борада, хусусан, солиқ маъмуричилиги ислоҳ қилинмоқда ва уни рақамли ечимлар асосида замонавий даражага кўтариш орқали иқтисодиётдаги хуфиёна айланмаларни қисқартириш бўйича тизимли ишлар изчил бажариляпти.

Яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар нафақат иқтисодий самарадорлик, балки ижтимоий адолат ва давлатта ишонч муҳитини мустақамлаш билан ҳам боғлиқ. Худудлар ва тармоқлар бўйича қилинаётган ишлар самарадорлигини ошириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, иқтисодий жараёнларнинг шаффофлигини таъминлаш ҳамда бюджет даромадини

кенгайтириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларнинг асосий йўналиши — яширин фаолиятни легаллаштириш, солиқ базасини мустақамлаш ва ички захираларни самарали ишга солишдан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу жараённи тизимли ва самарали амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Фармон солиқ органларига иқтисодиётдаги хуфиёна айланмаларни қисқартириш, солиқ маъмуричилиги самарадорлигини ошириш ва бизнес муҳитини рағбатлантириш учун янги имконият ва инструментлар тақдим этади.

Биринчидан, фармон мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка етарли даражада етказилиши зарур. Шу мақсадда худудларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари билан учрашувлар ташкил қилинди, уларга янги нормаларнинг моҳияти ва амалиётда қўлланиши тушунтирилди. Янги тизимнинг фойдали жиҳатлари содда ва тушунарли тарзда видеоролик, инфографика ва бошқа визуал материаллар тарзида ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди, марказий ва маҳаллий телеканалларга узатилди.

Шунингдек, ўтган даврда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот ишлари фаол олиб борилди. Тадбиркорлик субъектларининг шахсий кабинетига ҳам фармон талаблари ҳақида хабарномалар юборилди. Бу эса солиқ тўловчиларнинг янги тизимга мослашувини тезлаштирди ва уларнинг ҳуқуқий онгини мустақамлади.

Бундай тизимли чора-тадбирлар туғайли солиқ органлари назоратчи бўлиш билан бирга рақамли технологиялар ва ахборот воситалари орқали хизмат кўрсатуви, тадбиркор ва аҳоли учун барқарор ишонч муҳитини таъминловчи институтга айланади. Яширин иқтисодиётни қисқартириш орқали иқтисодиётда аниқ ва шаффоф жараёнлар ривожланмоқда. Бу эса узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий пойдеворидир.

Ушбу жараён давлат ва тадбиркорликнинг ўзаро ишонч ва ҳамкорлик асосида ривожланишига мисол. Солиқ маъмуричилигини рақамли ечимлар асосида тақомиллаштириш орқали иқтисодий самарадорлик таъминла-

“ Проактив ҳисоботлар, рақамли хизматлар ва камерал текширувларнинг автоматлаштирилиши тадбиркор учун фақат техник қулайлик эмас, балки иқтисодий эркинлик ва стратегик ишонччи ҳам тақдим этади.



ниши билан бирга жамиятда барқарорлик, адолат ва инновация муҳити ҳам мустақамланмоқда.

Иккинчи муҳим йўналиш сифатида мамлакатимизда солиқ маъмуричилигини рақамлаштириш ва замонавий ахборот тизимлари асосида тақомиллаштириш ишлари изчил бажариляпти. Бу техник янгилик, давлат ва тадбиркорлик ўртасида иқтисодий жараёнларнинг шаффофлигини таъминлаш ва яширин айланмаларни қисқартириш билан боғлиқ стратегик жараёндр.

Фармон талабларига асосан солиқ органларининг ахборот тизимларига қатор янгилик ва қўшимчалар киритилди. Масалан, таъсисчи ёки раҳбарлари солиқдан бўйин товланган корхоналарга ҚҚСни тезлаштирилган тартибда қайтармаслигини техник имконияти яратилди. Бу тадбир нафақат қонуний тадбиркорликни рағбатлантириш, балки адолат ва масъулият муҳитини мустақамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, солиқ органлари устув капиталга ва ундаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни электрон тақдим этиш ва ҳисобга қўйиш имкониятини ҳам яратди. Бу тадбир тадбиркорлар учун вақт ва маъмурий юкни камайтириш, солиқ ҳисоботларининг аниқлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Электрон ҳисобварақ-фактураларда лицензияланган фойдаланиш бўйича товарлар сотилаётганини автоматик текшириш имконияти ҳам жорий қилинди. Бу эса иқтисодий операцияларнинг шаффофлигини таъминлаш ва яширин айланмаларни камайтиришга хизмат қилади.

Камерал солиқ текширувлари натижа-си бўйича тақдим қилинган асослар кўриб чиқилгани ҳақида хабардор қилиш тизими йўлга қўйилди. Бу солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онгини мустақамлаш, давлатта ишончини таъминлашди. Қурилиш пудрат шартномаларини солиқ органларида ҳисобга олиш имконияти амалиётга жорий этилиб, марказлаштириш қурилишлар бўйича электрон ҳисобварақ-фактурада “kapital\_ID”ни кўрсатиш орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан интеграция таъминланди. Бу тадбир сармоя ва қурилиш лойиҳаларининг шаффофлигини таъминлашди, тадбиркорлар учун барқарорлик ва аниқлик яратди.

Шунингдек, импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари муайян муддатда сотилмаган ва қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваридан ортиқ бўлган ҳолатларда сайёр текширувга номзод шакллантириш бўйича хавфни таҳлил қилиш тизимига янги мезонлар киритилди. Бу тадбир иқтисодиётдаги ресурсларни самарали тақсимлаш, таҳдидлар ва хавфларни олдиндан прогноз қилиш имконини беради.

Жисмоний шахслар учун ҳам рақамли қулайликлар кенгайтирилди. my3.soliq.uz электрон хизмати орқали шахсий кабинетнинг “Хизматлар” ойнасида “жисмоний шахсларнинг даромади ва харажатлари” модуллари жойлаштирилди. Бу хизмат солиқ тўловчиларга ўз молиявий ҳаракатини аниқ, осон ва қулай тарзда кузатиш, барқарор режалаштириш ва маблағлардан самарали фойдаланишга замин яратди.

Рақамли трансформация солиқ тизимини назорат қилувчи, хизмат кўрсатуви, ишончли ва инсонпарвар институтга айлантиришга яққол мисолдир. Ҳар бир электрон хизмат ва автоматлаштирилган жараён тадбиркор ва давлат ўртасидаги ишончини мустақамлайди, иқтисодий қарорларнинг аниқлигини таъминлайди ҳамда иқтисодиётдаги яширин айланмаларни камайтиради.

Шу тариха рақамли технологиялар ва ахборот тизимларини жорий қилиш солиқ маъмуричилигидаги замонавийлик ва барқарорлигини белгилайди. Бизнес муҳитини рағбатлантириб, иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини ва жамиятда ишонч муҳитини мустақамлайди.

Учинчи муҳим йўналиш сифатида фармон талаблари бўйича Солиқ қўмитасига солиқ

маъмуричилиги самарадорлигини ошириш ва яширин иқтисодиётни қисқартириш учун тегишли норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилган. Бу жараён нафақат қонуний базани, балки тадбиркор ва давлат ўртасидаги ишонч муҳитини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Бугун фармонда белгиланган топшириқлар асосида бир қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг тўртта қарори лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатлар замонавий солиқ маъмуричилиги учун аниқ йўналишларни белгилайди. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш ҳамда иқтисодий жараёнларнинг шаффофлигини таъминлайди.

Тадбиркорликдаги ҳар бир қадам, оила режаси ва давлат молиявий сиёсати ўртасидаги улусқиз боғлиқлик иқтисодиётнинг ҳамма жиҳатини боғлаб турган ҳаётнинг мувозанатдир. Янги Ўзбекистонда солиқ тизимининг замонавий трансформацияси техник ва норматив янгиланишлардан иборат бўлибгина қолмай, иқтисодий муҳитини мустақамлайдиган жараён. Солиқ тизими, энг аввало, давлат ва тадбиркорлик, инсон ва иқтисодий имкониятлар ўртасида ишончнинг кўзгусидир.

Замонавий солиқ маъмуричилиги жазодан рағбатга ўтишининг яққол мисоли. Унда назорат ва текширувлар фақат адолат ва шаффофлиқни таъминлаш учун хизмат қилади, тадбиркорлар эса ўз режасини эркин ва аниқ шаклда рўёбга чиқариши мумкин. Проактив ҳисоботлар, рақамли хизматлар ва камерал текширувларнинг автоматлаштирилиши тадбиркор учун фақат техник қулайлик эмас, балки иқтисодий эркинлик ва стратегик ишонччи ҳам тақдим этади. Энди тадбиркорнинг ҳаракатлари жазодан қочиш ёки номатлум хавфдан қўриқиб эмас, балки самарали сармоя киритиш, янги иш ўринлари очиб ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишга қаратилди.

Солиқ тизими халқ ва давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик рамзидир. Ундаги шаффоф ва барқарор муҳит ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётига таъсир қилади: харид қобилияти, сармоя киритиш имконияти, ижтимоий барқарорлик ва келажакка ишонч шулاردан иборат. Нарх барқарорлиги ва инфляцияни жилволаш ҳам айнан шу ишончнинг сақлаш билан боғлиқ. Агар пул қадри сақланса ва иқтисодий муҳит прогноз қилинадиган бўлса, ҳар бир фуқаро ва тадбиркор ўз хатти-ҳаракатини ишонч билан режалаштириши мумкин. Инфляция эса бу ишонччи сусайтиради, ижтимоий-иқтисодий қарорлар самарадорлигини пасайтириб, инновация ва сармоя киритишга тўсиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан, солиқ тизимини рақамли технологиялар ва ахборот тизимлари асосида модернизация қилиш нафақат иқтисодий самарадорлигини таъминлайди, балки яширин иқтисодиётни қисқартириб, адолат ва ишонч муҳитини мустақамлайди. Бу жараён давлат ва тадбиркорлик ўртасидаги ҳамкорлик ўзининг ҳақиқий маъносини топади: назорат ва қонунийлик билан рағбат ва эркинлик ўзаро уйғунлашади.

Бундан ташқари, замонавий солиқ тизими иқтисодий ўсишнинг сифати ва барқарорлигини белгилайдиган марказий институтдир. У фақат рақамлар, ҳисоб-китоблар ва бюрократия билан чегараланмайди. Аксинча, ҳар бир хонадон ҳаётида, тадбиркорнинг режаларида, оилаларнинг келажакка ишончида ўз аксини топади. Солиқ тизими орқали иқтисодий айланмалар шаффофлашади, сармоя ва ресурслар самарали тақсимланади, янги иш ўринлари ва инновацион лойиҳалар учун имкониятлар очилади.

Шу билан бирга, солиқ маъмуричилигини рақамли трансформация асосида тақомиллаштириш иқтисодий жараёнларнинг самарадорлигини ошириш баробарида жамият онгидан ишонч ва барқарорлиқни мустақамлайди.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## САМАРАЛИ МЕҲНАТ МЕХАНИЗМИ

# ТАДБИРКОРЛИК ВА ТЕЖАМКОРЛИККА ТАЯНАДИ

Зафар Мадримов Амурдэ тумани Аёқчи маҳалласида ташкил этилган санаят зонасида ўнлаб ёшлар бандлигини таъминлаб келмоқда. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган тадбиркор учун тегирмони қурган. Бундан ташқари, ўз маблагга эвазига куз-қиш мавсумида полиз экинлари ва меваларни сақлаш учун сэндиш панелли замонавий совиткич ҳам ташкил қилди. Бу ташаббус ёш тадбиркорнинг даромадини ошириш билан бирга худудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш инфрақурилишини янада яхшилаш, бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқда.



## Маҳаллийлаштириш

Туман ҳокимлиги ва ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган. Бу борада ёшлар санаят зоналари муҳим иқтисодий майдонга айланиб улгурди десак, муболага бўлмайди.

— Туманимиздаги ёшлар санаят зонасида хунарамандлик фаолиятини йўлга қўйганман. Бугунги кунда ёгончи қайта ишлаш ва мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланиб,

нафақат ўзимни, балки 4 тенгдошимни ҳам иш билан таъминладим, — дейди Аёқчи маҳалласида яшовчи ёш тадбиркор Шоҳрух Ҳаҳмадов.

Ёгончи қайта ишлаш ва мебель ишлаб чиқариш соҳаси бугунги кунда иқтисодиётнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Қурилиш ва уй-жой бозори кенгайиши, аҳоли даромадлари ошиши ҳамда замонавий интерьерга талаб юқорилиши ушбу тармоқ ривожига кучли туртки

бермоқда. Айнққса, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш орқали импорт ўрини босувчи ва экспортроп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бунга алоқадар етган ёш тадбиркор Ёшлар ишлари агентлиги ва ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан кредит олиб, ўз фаолиятини янада кенгайтириб, янги ва замонавий ускуналар олиб келишни мақсад қилган.

Жавлонбек Қодиров раҳбарлигидаги “Lawa energy group” масъулияти чекланган

жамияти ҳам ёшлар санаят зонасида самарали фаолият юритиб келади. Корхона аҳоли хонадонлари ва офислар учун тежамкор иситиш тизимлари, жумладан, иситиш қозонларини ишлаб чиқармоқда. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва импорт ўрини босишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, табиий газ, кўмир ва электр қуввати каби ресурслар сарфини камайтириш масаласи долзарб шароитда замонавий, юқори

самарадорликка эга иситиш қозонларига талаб кун сайин ортиб бораётган. Шу боис, маҳсулотларимизга талаб катта. Айнққса, энергия тековчи ва автоматлаштирилган бошқарув тизимига эга қозонлар хонадонлар ҳамда офис бинолари учун қулай ва иқтисодий ечим ҳисобланади, — дейди тадбиркор йингит Ж. Қодиров.

Бу соҳада маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эса импорт ўринини босиш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва ички бозорни барқарор таъминлаш имконини беради. Шунингдек, янги иш ўринлари яратиш, муҳандислик ва техник мутахассисларни тайёрлашга йўл очади.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бугун юртимизда 22 миллиондан зиёд ёш улкан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч сифатида жамият тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Шу боис, Президентимиз ақнида ёшлар билан учрашувда барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, гоё ва стартапларини қўллаб-қувватлаш, ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаш шартлигини алоҳида таъкидлади. Ҳар йили 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1 миллионга етиши кутулаётгани эса ёшлар бандлигини таъминлаш масаласини стратегик аҳамиятга эга вазифага айлантирмоқда.

Тахтақўйир туманидаги Айдинжол маҳалласида тадбиркор Муҳаммадхон Сулаймонов томонидан замонавий тез тайёрланадиган таомлар маркази очилди. Лойиҳа имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилган бўлиб, бу мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларнинг амалий натижасидир. Янги шохобчанинг ишга туширилиши натижасида бир неча иш

ўрни яратилиб, ёшлар бандлигини таъминлаш имкони кенгайди.

— Биз, ёшларга давлатимиз яратётган имкониятлардан мамнунимиз, — дейди тадбиркор Муҳаммадхон Сулаймонов. — Келгусида иш фаолиятимизни янада кенгайтириб, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва қўшимча хизмат турларини йўлга қўйишни режалаштирганман.

Чимбой тумани Гужумли маҳалласида истиқомат қилувчи ёш тадбиркор Бектурсин Мирзабоев устози Жанабой Сапаровдан креатив услубдаги стол ва ўриндиқлар ясашни ўрганган. Устахонасида замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида аҳоли дидига мос маҳсулотларни буюртма асосида тайёрлаб беришди. Ноанъанавий услубда ишланган ушбу маҳсулотларга қўллаб-қувватлаш топширилмоқда.

— Ҳозирги пайтда хунарамандларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳатто бир ойда 100 миллион сўмгача даромад топса бўладиган даражага етишдиқ, — дейди чимбойлик хунараманд Одилоб Тожимуротов. — Қорақалпоғистондаги барча тадбиркорлар учун имтиёзлар кўп. Улардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз иқтисодиётига ўз ҳиссамизни қўшишга доимо тайёримиз.

Ёшлар санаят зоналари имтиёзли ер майдони, кредит, инфратузилма ва маслаҳат кўмаги тақдим этувчи самарали механизм ҳисобланади. Бу майдонларда ёшлар ўз гоёсини амалга ошириш, тадбиркорликни бошлаш ва янги иш ўринлари яратиш имкониятига эга бўлмоқда. Ҳукуматимиз қўллаб-қувватлаётган ёшлар тадбиркорлиги эса иқтисодиётни жонлантириб, инновацияларни рағбатлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришдек хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Саломатлик

Инсон учун энг муҳими — саломатлик. Лекин ҳаётимиз доим бир маромда кечавермайди. Қутилмаган ҳодисалар, организмдаги табиий ўзгаришлар кишини турли ҳолатга солиб қўйиши мумкин. Айниқса, инсультдан кейинги асоратлар туфайли ногирон бўлиб қолиш ҳолати кўп учрайди. Натижада бемор бир умр тўшакка миҳланиб қолади.

ТИББИЙ ЁРДАМДАН ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯГА



Шу пайтга қадар Қашқадарёда реабилитация соҳасига деярли эътибор берилмаган. Ҳатто аксарият беморлар даволашни ҳақида тушунчага ҳам эга бўлмаган. Бахтсиз ҳодиса ёки бошқа бир касалликдан сўнг жонлантириш бўлимида дастлабки муолажалар яқунланган. Шундан сўнг беморнинг уйга кетишига руҳсат берилган. Муайян муддатдан кейин ногиронлик белгиланган. Беморнинг кейинги ҳаётида реабилитация орқали даволашни давом эттириш ҳақида ўйлаб қўрилмаган. Қолаверса, бунинг учун тайинли бирорта шифохона ҳам бўлмаган.

1998 йили Қарши шаҳрида икки қаватли спорт-соғломлаштириш маркази бунёд этилган. Мазкур марказда беморлар қисман муолажа олишга ҳаракат қилган. Лекин тажрибали мутахассислар йўқлиги, зарур тиббий жиҳозлар бўлмагани сабабли самараси сезилмаган. Натижада бир-иқки эмас, юзлаб кишиларнинг жисмоний имконияти чекланиб қолган.

Қарши шаҳрида Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази иш бошлади. Янгидан барпо этилган замонавий комплекс 96 ўринга мўлжалланган. Унинг ташкил этилиши мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя ва реабилитация соҳасида амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг амалий натижаси бўлди.

— Лойиҳа қиймати 35 миллиард сўмдан зиёд бўлган мазкур марказ 2025 йили қуриб битказилди. Бу — вилоятимиз тиббиётини катта янгилик. Шу билан бирга, шифокорлар учун ҳам, даволанувчилар учун ҳам имконият бўлди, — дейди Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази директори Фатҳиддин Омонов. — Илгари мослаштирилган хонада ҳаммақадар ишларди. Жиҳозларимиз ҳам анча эскирганди. Бу ерда эса барча шароит мавжуд. Айрим тиббий жиҳозларимиз унча-мунча шифо масканларида топилмайди. Бундан ташқари, муолажа хоналари тўлиқ талаб даражасида. Шароит бор жойда ўзгариш бўлади. Ҳозирданок бунинг тасири сезила бошлади. Авваллари “эрта реабилитация” деган тушунча йўқ эди. Ҳозир вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бемор дастлабки даволашдан сўнг марказимизга келиб муолажа оляпти. Натижада хасталар ногирон бўлиб қолишининг олди олинмоқда. Эрта реабилитация қилиниши натижада сўнгги олти ойда 50 га яқин бемор шифо топди.

Марказ 60 турга яқин 180 та замонавий тиббий ускуна билан жиҳозланган. Реабилитация хизматларининг комплекс тизими йўлга қўйилган. Ультратовушли диагностика ҳамда барча турдаги лаборатория текширувлари жорий этилган. Шунингдек, “Бобат” услубида даволаш, мануал терапия, кинезотерапия, сенсор релаксация, лопед ва психологик хизматлар мавжуд. Бассейнда гидротерапия — сув реабилитацияси хизматлари кўрсатилади.

Айниқса, криотерапия муолажаси мамлакатимизда санокли реабилитация хизматларидан бири бўлиб, ялғизлиги, бўғим ва тизза касалликлари, оғриқли синдромларни даволашда юқори самара бермоқда. Тегишли даволаш методи орқали ва беморларда нерв импульсларини

ўтказиш ҳисобига ҳаракатланиш функцияларини тиклаш имкони яратилмоқда. Мазкур марказдаги янгилинишлар доирасида реабилитация тизимига йўналтириш механизмининг такомиллаштириш, шунингдек, бундай мажмуада тижорий шароитларни рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса хизматларни шаффоф, самарали ва фуқаролар учун янада қўлайлигини таъминлайди.

Марказ директорининг таъкидлашича, 10 га яқин шифокор Жанубий Корея ва Японияда соҳа бўйича малака ошириб қайтган. Шунингдек, Корея Республикасида 2 мутахассис ишга жалб этилган. Хорижий шифокорлар даволаш ишларида иштирок этиш билан бирга марказ ҳодимлари, тиббиёт бирлашмалари ва тизим мутахассислари мутахассислари учун замонавий реабилитация бўйича ўқув машғулотлари ўтиб келмоқда.

— Шундай юрда ишлаётганимдан, беморлар саломатлигини тиклашда иштирок этаётганимдан мамнунман, — дейди Жанубий корейлик реабилитолог Еон Ха Ким. — Ўзбекистонда тиббиёт ривожланмоқда. Биз ишлаётган ушбу марказ бунга мисол бўла олади. Бу ердаги шароит таҳсинга лойиқ. Очиғи, бунчалик бўлмас керак деб ўйлагандим. Баъзи тиббий текширув ускуналари бошқа жойларда кам



учрайди. Билишимча, шу пайтга қадар беморлар реабилитацияси учун Қашқадарёда шароит етарли бўлмаган. Муҳими, бутун ҳамкорликда ишлаб тажриба алмашяпмиз, яхши ўзгаришлар бор.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, аввалги тизимда фуқаролар асосан консерватив муолажалар билан чекланган. Янги марказда эса умуман комплекс реабилитация хизматларининг фойдаланишга, беморларнинг ҳаёти сифати ва жамиятдаги фойдалигини оширишга хизмат қилади.

Бу ерда асосан инсульт, бош ва орқа миёза жароҳати, суюқ-суюқ тизими, коксартроз, умуртқа поғонаси касалликлари, остеохондроз, диск чурраси, болалар бош миёза фалажлиги хасталигига чалинганларга хизмат кўрсатишмоқда. Утган йили 614 беморнинг функционаллиги тикланди.

— Хорижга ишлагани боргандим. Қурилишда эҳтиётсизлик қилиб, чамаси беш-олти метр балангликдан тушиб кетдим, — дейди чирокчилик Баҳром Жўраев. — Ўрнидан турмоқчи бўлгандим, оёғим бўйсунмади. Шифохонада умуртқам поғонаси сингани аниқланиб, жароҳлик амалиёти ўтказилди. Юриб кетсам керак деб ўйлагандим. Бундай бўлмади. Уйга аравачада қайтиб келдим. Энди 23 ёшга кирганман. Бир умр ногирон бўлиб қолдим дея анча вақт тушунликка тушиб юрдим. Бу ерга келганимга бир ҳафта бўлди. Анча ўзгариш бор. Илгари оёғимни умуман боса олмадим. Ҳозир аста-секин ҳаракатланишман. Бунинг учун шифокорларга раҳмат.

Бугун реабилитация хизмати фақат тиббий муолажалар билан чекланиб қолмай, нотибий ижтимоий реабилитация йўналишларини ҳам қамраб олмақда. Яъни ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қобилиятини тиклаш, ижтимоийлашуви, жамиятга мослашуви ва мустақил ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс хизматлар кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, шу ернинг ўзида кичик тиббиёт бригадаси тузилган. Мурожаат қилган бемор бир жойнинг ўзида шифокорлар кўригиндан ўтказилади. Тегишли хулоса чиқарилади. Шу вақтда тегишли бўлимга йўналтирилади. Натижада дардманд эшикма-эшик сарғайиб, турли текширувлардан ўтиб юрмайди. Муайян муддат даволаниб кетган беморлар учун муолажаларни уйда давом эттириш имконияти ҳам мавжуд. Бунинг учун шифокорлар ҳар куни онлайн маслаҳатлар бериб боради.

— Аҳволим оғирлашиб, шифохонага тушиб қолдим, — дейди сурхондарёлик Абдуғаффор ота Олтибоев. — Кейин билсам, инсульт бўлган эканман. Бир томоним умуман ишламай қолди. Умрим поёнига етган бўлса керак деб ўйладим. Фарзандларим ҳам тақдирга тан берди. Уйда ётиб қолдим. Мутахассисларнинг маслаҳати билан шу ерга келдим. Фойдаси бўлармикан деб иккиланган эдим. Шукр, ҳозир соғлигимда анча яхши ўзгариш бор. Қўлимни ҳаракатлантири

оляпман. Олдинроқ келганимда жуда яхши бўлар экан. Бугун ҳаётга қайтгандекман. Шифокорлар қалбимда яшаш завқини уйғотди. Энди тузалиб кетаман, албатта. Илоҳим, шифокорларимизнинг қўли дард кўрмасин.

Айни пайтда ушбу марказда Абдуғаффор ота каби дардига шифо топаётган кишилар сон ортмоқда. Энг муҳими, аллақачон ногиронлики бўйича олганларнинг саломатлигига ижобий натижа қайди этилмоқда. Ҳатто йиллаб ишламай қолган қўл-оёқлар ҳаракатланипти, беморлар руҳияти тикланипти. Бу эса тиббиётдаги ислохотларнинг, “Инсон қадири учун” тамойили асосида қилинган ишларнинг амалий ифодасидир.

Ақбар РАҲМОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Долзарб мавзу

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ҚАРАТИЛГАН ҚАДАМ

Ўзбекистон ҳуқуқ соҳасида хотин-қизлар ва болаларнинг юридик мақомига бағишланган нормалар салмоғи ва аҳамияти ортиб бормоқда. Аёллар ва вояга етмаган шахсларни ҳар томонлама ҳимоялаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда халқаро стандартларни юртимиз конунчилигига имплементация қилиш, ушбу стандартларга қатъий риоя этилишининг назорати йўлга қўйилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда оила муносабатларини тартибга солувчи 20 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 32 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 45 та қарори қабул қилинди.



Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони ҳам бу йўналишда қўйилган яна бир залворли қадам бўлди.

Фармонда белгиланган биринчи мақсад никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш ҳолатлари, яъни эрта никоҳларнинг олдини олишга эришиш, ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлари учун масъулиятини янада оширишдан иборат. Дарҳақиқат, бугун эрта никоҳлар жамият тараққиётига ғов бўлаётган жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу иллатни йўқ қилиш болалар, айниқса, қизларнинг соғлиғи, ҳуқуқлари ва келажаги ҳимояси учун зарурдир. Чунки бундай ҳолатлар ўсимларни зўравонлик хавфига дучор қилади, таълимнинг эрта тўхташига олиб келади. Ҳомладорлик ва туғруқдаги асоратлар эса вояга етмаган келинлар ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Статистик маълумотлар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, 2020-2024 йиллар давомида қўқуқбузарликлар йил сайин ошиб бораётгани кайд этилди. Жумладан, 2024 йилда 331 шахс никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик ёки никоҳ тузиш тартибини бузгани учун жавобгарликка тортилган, бу кўрсаткич 2023 йилдагига нисбатан 6 баробар ўсган. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришганлик ҳолатлари 35 фозиз, вояга етмаган фарзандини эрга берганлиги ёки уйлантирилганлик ҳолатлари 70 фоз ортган. Шунингдек, олган ҳолда фармонда ёшларнинг ўз ҳаёт йўлини онгли равишда белгилашга қўмаклашиш, шунингдек, никоҳ шартномаси тузилишини рағбатлантиришнинг аниқ чоралари белгиланди. Хусусан, 2027 йилдан бошлаб ҳар иккала тараф камда 21 ёшга тўлганда биринчи мартаба никоҳ тузган ёш оилалар учун давлат томонидан қўшимча имтиёз ва бошқа шаклдаги қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Бу жуда муҳим. Чунки бу чоралар ёшларга эрта турмуш қуришдан кўра таълим олиш, касбда ривожланиш ва оилани ҳаётга психологик жиҳатдан тайёр бўлишга ёрдам беради.

кекин қисқартириш, шунингдек, бундай ҳолатга учраган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳужжатда белгиланган яна бир муҳим мақсад. Бу борада фармонда ўта аниқ, шу пайтгача мисли қўрилмаган чоралар белгиланган.

Хусусан, қонунчиликка ўзгартириш киритиш орқали 2026 йил 1 ноябрдан бошлаб муайян тартибларни белгилаш назарда тутилган. Унга кўра, номуста тегиш, жинсий эҳтиётни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш ва шунга ўхшаш қатор моддаларда назарда тутилган жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов фақат прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу чора жабрланувчилар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш ва тергов сифатини оширишга қаратилган. Чунки прокуратура назорат органи сифатида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар билан боғланмаган, бу эса жиноятларни яшириш ёки иш қўзғатишни асоссиз равишда рад этиш эҳтимолини камайтиради. Қолаверса, терговнинг бир идорада тўланиши энг дастлабки босқичлардаёқ процессуал нормаларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини соддаштирилади.

Фармон билан вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган шахвоний шилқимлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш ҳужжатларини қилмишда жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақида прокурор томонидан қарор қабул қилингандан сўнг судга юбориш тартиби ҳам киритилмоқда. Вояга етмаган шахсга нисбатан шахсий таъқибга доир материалларни жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса ҳам судга юбориш тартиби жорий этилиши “ҳуқуқий бўшлиқ”ни бартараф этиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган. Бунда агар ҳуқуқбузарнинг ҳаракатлари жиноий қилмиш даражасига етмаса ҳам у шилқимлик учун ҳеч бўлмаганда маъмурий жавобгар бўлиши таъминланади. Қолаверса, прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, ҳаракатни ўзи қайта малакаланиш ва материалларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун судга юбориш шарт бўлади. Бу эса жабрланувчиларни қайтадан бошқа органларга ариза беришдан халос қилади.

Ҳуқуқбузарлик бўлган ёки бўлмагани тўғрисида қарорни нафақат тергов органлари, балки суд қабул қилади, бу эса болаларга нисбатан қилинган ҳаракатларни баҳолашнинг холислигини оширади. Бошланғич босқичларда таъқиб қилиш учун маъмурий жазо мавқудлиги эса келгусида оғир жиноятларнинг содир этилишига тўқиб бўлади. Фармонда белгиланган мазкур механизм вояга етмаган шахсга нисбатан жинсий дахлсизлик ёки ахлоқий меъёрларнинг ҳар қандай бузилиши ҳуқуқий баҳолашнинг ва жазога олиб келиниши кафолатлайди.

Умуман, ошлагай зўравонлиқнинг маъмурий даражадан жиноий даражага ўтказилиши ҳуқуқбузарларни кўпинча оила бюджетига тушадиган жарима билан қўтулиш имкониятидан маҳрум қилади. Белгиланаётган санкциялар зўравонлик энди “оиланинг ички иши” эмаслиги ҳақида жамият онгига аниқ тушунча ҳосил қилади.

Фармонда белгиланган яна бир муҳим жиҳат, Адлия вазирлиги ҳамда бир қатор идоралар билан биргаликда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар ва илгор хорижий амалиётни ўрганган ҳолда хотин-қизларни айнан жинс сабабли қасддан ўлдирлиш (фемцид) учун қонунчиликда жавобгарлик белгиланган назарда тутилганлидир. Шунингдек, оила аъзоларини қасддан ўлдирлиш (фамицид), шахсни унинг эрига қарши равишда ноқонуний таъқиб қилиш (сталкнинг), интернет ёки ижтимоий тармоқларда содир этиладиган зўравонлик (киберзўравонлик), вояга етмаган шахслардан жинсий фойдаланиш ҳамда шу мақсадда интернет орқали вояга етмаган шахснинг ишончли қозониши (онлайн трюминг) каби жиноятлар учун жавобгарлик белгиланади. Зеро, бу ҳодисалар зўравонлиқнинг ашаддий кўринишлари бўлиб, улар нафақат хавфли, балки шахс ва умуман, ҳаётга зарба беради.

Шу ўринда яна статистик маълумотлар. Биргина 2023 йилда дунё бўйлаб 85 мингта яқин аёл ва қиз фемцид қурбонига айланди. Бундай қотилликларнинг 60 фозигага қисми жинсий шериклар ёки оила аъзолари томонидан содир этилади. Бунда фемцид ҳолатидан олдин кўпинча узоқ муддат давомида оиладаги зўравонлик, таҳдид ва таъқиб (сталкнинг) даври қузатилади, бу эса қонунчилик тегишли даражада қатъий бўлган ва зарур чоралар қўрилган вазиятда муайян ҳодисаларнинг олдини олиш имконини беради. Шу боис, фармон билан қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ўта муҳим аҳамият касб этади.

Аёллар ва болаларсиз инсон ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Уларга нисбатан зўравонлик — ҳуқуқларни поймол қилиш, тараққиётга қарши норозилик билдириш, тарихнинг боришини секинлаштириш, замон талабларини тушунмаслик демакдир. Шу жиҳатдан фармон энг муҳим қадрат — ҳаёт хавфсизлиги ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



“ Аёллар ва болаларсиз инсон ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Уларга нисбатан зўравонлик — ҳуқуқларни поймол қилиш, тараққиётга қарши норозилик билдириш, тарихнинг боришини секинлаштириш, замон талабларини тушунмаслик демакдир.

мобайнида республика бўйича никоҳдан ажраланиш сон 59,9 фоз ортган. Уларнинг салмоқли қисмига эрта никоҳлар, ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги сабабдир.

Агар 2024 йилги маълумотларга чуқуқроқ қараб, айнан эрта никоҳларни таҳлил қилайлик бўлсак, туман (шаҳар) ҳокимлари қарорлари асосида 391 та ҳолатда никоҳ ёши қисқартирилган, уларнинг 146 тасида узрли сабаблар келтирилмаган.

Ҳокимлар қарорлари таҳлилда никоҳланувчи шахслар ёки уларнинг қариндошлари касаллиги, тўй маросимини ўтказиш кунини белгилаб қўйилгани, кам таъминланган оилани фарзанди экани ва бошқа сабаблар билан никоҳ ёши қисқартирилгани маълум бўлди. Кўриб турибмики, ёшларнинг иродаси ва хоҳиш-истакларига бу вақтларнинг умуман дахли йўқ. Қолаверса, айрим фуқаролар қизини вояга етмасдан турмушга бериб, кейинчалик у 18 ёшга тўлганда никоҳдан ўтиш учун ФХДЕ бўлимига мурожаат қилиши ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Жумладан, 2020-2024 йилларда ФХДЕ бўлимида 18 ёшга тўлиб никоҳдан ўтиш учун мурожаат қилган хотин-қизларнинг 1637 нафаридан никоҳгача бўлган даврда тутилган фарзандлари борлиги аниқланган.

Ушбу маълумотлар Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисига жоборилган парламент сўровини тайёрлаш жараёнида тўпланди. Хусусан, таҳлиллар жараёнида никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик ва никоҳ тузиш тартибини бузиш билан

Никоҳ шартномасини муносабатларни расмийлаштиришнинг одатий стандарти сифатида омаллаштириш эса мулкий муносабатларнинг юридик шаффофлигини, эр-хотинлардан ҳар бирининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, бу эса ажралишда мулкий низолар келиб чиқиши хавфини ва умуман, ёш оилаларнинг бузилиб кетиши эҳтимолини камайтиради.

Фармонда янги тузилган оилалар ижтимоий реестрга киритилган тақдирда оилалар аъзоларига уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, даромадини ошириш ёки мураккаб вазиятдан қичариш учун тақдим этиладиган молиявий қўмақлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан 1,5 баравар оширилган ҳолда берилиши белгиланди. Қолаверса, никоҳ шартномасини тузган никоҳланувчиларни никоҳни қайд этиш учун белгиланган давлат божидан озод этиш тартиби қўлланди.

Бу чоралар янги оилаларнинг мустаҳкамлигини кафолатловчи асосий омил — иқтисодий мустақиллигини таъминлайди. Ёш оиланинг иқтисодий мустақиллиги эса барқарорлиқни, келажакни режалаштириш, ташқи таъқиқларга эҳтиётчилик билан муносабатларни имкониятини беради. У ҳаракатлар, болаларни ўқитиш, жамғармалар тўғрисида мустақил қарор қабул қилишга йўл очади ва молиявий саводхонлик, ота-оналардан мустақиллик ва эртанги кунга ишонч орқали муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аёллар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш орқали уларнинг сонини

Абдулла Орипов ижодида жамият таҳлили шунчаки бугунги куннинг ижтимоий манзаралари билан чекланиб қолмай, балки инсониятнинг ибтидоий илдизларигача бўйлайди.


Абдулла Орипов таваллудининг 85 йиллиги

“ЛАБДА ТАБАССУМУ КЎЗДА ЁШ БИЛАН СЕНГА ТАЛПИНАМАН, БУЮК НАБИРАМ”

2026 йил 17 март, 51-сон



ABDULLA ORIPOV 1941 - 2016




Абдулла Орипов адабиёт майдонига кадам қўйган илк пайтларидаёқ ижодий йўналишини руҳий мустақиллик ва имон ҳужжати сифатида белгилаб олди. Шоир учун шеър ташки оламнинг шунчаки акси эмас, балки инсон ботинидаги ҳурлик ва мағрурликнинг бадиий ифодасидир. Муаллифнинг “Созим” шеърдаги муқаддима нафақат лирик иқдор, балки ижодкорнинг бутун бир ҳаётий манифестидек янграйди:

Мунискон ҲАКИМОВ, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи бўлим мудир, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўша кун бузилди азалий уду, Уни инсон ўзи бузиб ташлади. Кундузи ошқора ўрилардай у Улжасин уй-ўйга торта бошлади. Бу сатрларда нафсининг жамоавий имон ва тартиб устидан ҳукмронлиги дунёдаги барча кулфатларнинг дебочаси сифатида талқин қилинади. Шахсий манфаатнинг умуминсоний қадриятлардан устун қўйилиши тарихни “зулмат” ва “қон” билан бўлгади. Шоирнинг фикрича, инсониятни боғлаган маънавий инқироз айнан ўлжа талаш шашанга лаҳзда тугилган. Бу инсониятнинг ўз асл табиатидан ва ҳақиқат йўлидан адашиши ҳақидаги аччиқ хулосадир.

Тарихнинг қонли саҳифаларини арақлар экан, ижодкор Спартакнинг ҳақ талашидан тортиб, Цезарининг найзасио Чингизхоннинг чўқморигача бўлган фожияларни бир фалсафий занжирга тизди. Дунёнинг “адашиб кетгани” ҳақидаги фикр шоирнинг ёшлиқдаги гўрлиги эмас, балки оламнинг зиддиятли қонуниятларини теран англашидир. Бу тарихий силсила ичиди шахс ва муҳит муносабати янгича маъно касб этиб, яхшилик домини эканларнинг “ёмон” деб ном олиши жамиятнинг азалий ҳамда оғриқли парадокси сифатида очиб берилди.



“ёшлик соғлиги” деб аталган ўша маъсум манзилга қайтишадир. Фақат истиқбол деб аталган эзгу ниятгина инсонга унинг асл соғлигини қайтариб бера олади. Абдулла Орипов тарихни фақат ўтмиш эмас, балки бугунги куннинг маънавий кўзгу-си ва келажакнинг пойдевори сифатида тадқиқ этади. Бу босқичда шоир инсонни ўз ички дунёсини тафтиш қилишга, яъни “тўда” бўлиб ўлжа талашмайдиган, нафс куллигидан озод, соф ва имонли ҳолатга қайтишга чорлайди. Тарихнинг изтиробли сабоқлари орқали у инсонни ўзлигини англашга ва руҳий покликни-га даъват этади.

Унинг ижодиди шахснинг жамиятдаги ўрни шунчаки ижтимоий мақом бўлмай, балки виждон ва маъсуллат мезони билан белгиланади. Шоирнинг фалсафий тафаккурда “оломон” ва “халқ” тушунчалари бир-бирига қарама-қарши қўйилган икки кутб сифатида гавдаланган. Муаллифнинг “Оломонга” шеърдаги ўткир ва изтиробли саволлар жамиятнинг маънавий мудроклигига берилган бадиий зарбидир:

Машираб осилганда қаёқда эдинг? Чўлпон отилганда қаёқда эдинг? Суриштирғанимнинг Қодирийнинг ё Қалқон бўлганимнинг келганда бало? Бу мисраларда шоир оломоннинг энг қўрқинчли қиёфаси — лоқайдлиги ва томошабинлигини фой этибди. Оломон учун тарихдаги буюк фожиялар, миллат фидойиларининг қурбон бўлиши шунчаки бир “томоша”. Унинг “номидан ҳукмлар ўқилиши” эса масъулият-сизликнинг олий кўринишидир. Шоир оломонни халқ бўлишга, яъни ўзлигини англаган, тарих ва келажак олдиди жавобгарлиқни ҳис

этадиган яхлит маънавий кучга айланишга даъват этади. Шахснинг тўда ичиди йўқолиб қолиш хавфи “Тўда” шеърда янада теранроқ таҳлил қилинади. Тўда — шахситсизлик ва иродасизлик макони. Унда ҳар қандай буюклик, ҳар қандай алоҳидлик “тўданинг феъли” олдиди завол топиши мумкин. Шоирнинг “Тўдани кўрганда кўрқиб кетаман”, деган иқрори замирида минг йиллардан буён сақланиб келатган ибтидоий шафқатсизликдан хавотир этади:

Азарда қўзса тўданинг феъли, Унга тенг келолмас соғиларнинг сели. Хос унга ёвузлик, шафқатсизликлар, Қорни тўқ бўлса-да, тоқатсизликлар. Бу ерда “тоқатсизлик” ўзгача фикрни, юксак истеъдодни ва мустақил иродани қабул қилолмастикдир. Абдулла Орипов назидида халқ бўлиш тўда психологиясидан халос бўлиш, виждон амри билан яшаш демакдир. Шоир “Ўзма-юз” шеърда таъкидлаганидек, “инсон инсон учун тўка олса ёш” ва “бир сафда турса одамлар”, ана шундигина оломон халққа айланади:

Муаллиф жамиятнинг ҳар бир аъзосини ўз ички оламига боқшига, сохта “ура-уралар”дан воз кечиб, “инсоф ва виждон” чегарасини тан олишга ундайди. У виждон уйғонишини тўданинг хисси оқимидан ажралди чикиб ҳақиқатнинг тик нигоҳига дош бера олишга деб билади. Шоирнинг бутун ижоди мана шу маънавий юксалишга — шахсни оломон зулматидан халқнинг нурли уфқларига олиб чиқишга хизмат қилади.

Файласуф шоир ижодиди инсон шунчаки жисмоний мавжудот эмас, балки асрлар давомида шакланган маънавий мероснинг қон ва

руҳ ирсиятининг давомчиси сифатида талқин қилинади. Шоирнинг фалсафий мушоҳадаларида генетика тушунчаси биологик қонуниятлардан юксалиб, миллий ўзлиқни англашнинг тарихий занжирига айланади. Унинг “Генетика” шеъри бу борада инсон руҳиятининг теран қатламларини очиб берувчи энг салмоқли асарлардан биридир:

Билмадми, қонимда қай аждод яшар, Балки бобо Қайғий, балки Улугбек... Тулар кулголма чалинар элас, Тулпорлар қилинади, отлар гурроси. Муаллиф инсон танасида оқиб турган қонни минг йиллик тарихнинг овози деб билади. Бу ерда “билмадми” дейиш орқали ижодкор инсон табиатининг нақадар мураккаблигига ва унинг ботинида мудраб ётган улкан кучларга ишора қилади. Қонда фақат ташқи қиёфа — “қош-кўз” эмас, балки аждодларнинг феъл-автори, орзу-армонлари ва шиддати ҳам мерос бўлиб ўтади. Улугбекнинг закий нигоҳи ёки Муқаннинг тиним билмас исёнкор руҳи авлодларнинг ички оламиди қайта уйғониши миллий ирсиятнинг боқийлигидир.

Шоирнинг талқинида бу мерос фақат зафарлардан иборат эмас. Унда “дарбадар бир ошқ”, “сарбадор” ва ҳатто “шаҳаншоҳ”нинг ҳам асоратлари бор. Инсон ўз вужудида ҳам ҳукмдорликка интилиш, ҳам дарвешликка мойиллик каби зиддиятли кучларни ташиб юради. Бу миллат характериинг мураккаб фалсафасидир. “Ўзбекистон” қасидасида мазкур ғоя янада кенроқ миқёсда, ватан тақдири билан уйғунликда давом эттирилади. Тарихнинг шиддатли сновлари, Жалолдиннинг Амударёдан сакрашио Собир Раҳимовнинг зафарли қадами — бари-бари бугунги авлоднинг

Муаллиф жамиятнинг ҳар бир аъзосини ўз ички оламига боқшига, сохта “ура-уралар”дан воз кечиб, “инсоф ва виждон” чегарасини тан олишга ундайди. У виждон уйғонишини тўданинг хисси оқимидан ажралди чикиб ҳақиқатнинг тик нигоҳига дош бера олишга деб билади. Шоирнинг бутун ижоди мана шу маънавий юксалишга — шахсни оломон зулматидан халқнинг нурли уфқларига олиб чиқишга хизмат қилади.

Файласуф шоир ижодиди инсон шунчаки жисмоний мавжудот эмас, балки асрлар давомида шакланган маънавий мероснинг қон ва

давомида шакланиб келган. Турган гапки, бугун ундирлиб тайёрланган сумалак ҳам худди шундай улугланади. Наврўз кунлари қадимдан ободонлаштириш ишлари бажарилган. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида худудларда кўкаламзорлаштириш тадбирларини ўтказиш, шунингдек, “Мен ҳам кўчат экман” акциясини ташкил этишнинг тарихий ва миллий-ақсологик асослари мавжуд. Яъни қадимдан аждодларимиз дарахтни бойлик ва тўқинлик рамзи сифатида қадрлаган. Улар ҳар Наврўзда — ўзларининг “янги йил”да, шунингдек, фарзанд дунёга келганда дарахт экиб, ниҳолларни гўдакдек авайлаб парварши қилган. Шу дарахтнинг соясида ором олган ёки мевасидан баҳраманд бўлган йўловчининг дуоиси олинишини улкан савоб деб билган. Тўғри, бу анъаналар муайян муддат билан озуқуландиқ бўлди. Бироқ бугун миллий байрам ва қадриятларимизга эътибор кўчайиши асносида айна одатлар янада кенг қулоч ёзмақда.

Шахло АҲРОРОВА, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори



Аслида, халқимизнинг миллий-маънавий моҳият касб этадиган байрамлари кўп. Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ўзига хос турли уду, урф-одат, анъана ҳамда улар асосида шакланган маросим ва байрамларга бой худуд. Буларнинг аксарияти қадриятга айланиб, аждодлардан авлодларга мерос сифатида келмоқда. Шу билан бирга, улар зamon талабига биноан шакл-шамойил-лини муайян даражада ўзгартириб, тақомилла-лашиб бормоқда, аммо туб мазмун-моҳияти сақланиб қолаётир.

Қадрият АСРЛАР ОША ҲАМРОҚ – НАВРЎЗИ ОЛАМ

Бугун ўлкамизда эшик қоқиб турган Наврўзи оламнинг миллий-маънавий моҳияти халқни бирлаштириш, бағрикенглик, табиатсеварлик ва меҳр-саховат хусусиятлари билан йўғрилган. Бу йилги байрамнинг қўшалок келиши, яъни муборак Рамазон ҳайити билан бирга нишонланishi ушбу айёмнинг мазмун-моҳияти ва инсонийлик хусусиятларини янада бойитади, шукўҳини қувончу шодлик, шукроналик билан юксалтиради.

Миллатни ҳар қандай жиҳатдан ўрганишга киришган илм-фан унга хос қадриятларни четлаб ўтмайди. Бонси, бу қадриятлар миллат билан баробар шакланиб, моҳиятдан унинг борлигига сингиб кетган ҳамда миллатни шакл-лантириш, тарбиялаш ва камолотга етказишда фаол иштирок этади. Жумладан, Наврўз ҳам. Мазкур байрамнинг қийматини оширувчи яна бир хусусияти тарбиявий аҳамиятидир. ХХI аср глобаллашувга кенг қўчоқ очди. У фан-техника ютуқлари ва умуминсоний тамойиллар асосида янада етуклик сари қадам босмоқда. Бу эса янгидан янги тамойил ва воқеликларнинг барча миллатлар учун баробар бўлган умуминсоний қадриятларга айланиб боришига замин яратмоқда. Бироқ Маҳатма Ганди эътироф эта-ниддек, қуёш тафтига юзланиш учун деразамиз-ни онганимизда ичкарига нафақат нур ва тоза ҳаво, балки улар билан бирга чанг ва губор ҳам

кириб келишини унутмаслик лозим. Демак, глобаллашувнинг ижобий хусусиятлари билан бирга миллат тарбияси, ўзлиги ва маънаига пултур етказиши мумкин бўлган салбий жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бундай салбий ҳодисалар миллий хусусиятларнинг емирилиб боришига сабаб бўлиши мумкинлиги-ни инобат олиб, уларга қарши миллий гуруҳни қалқон қилиш, шунингдек, миллий қадриятлар-ни асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этади. Демак, глобаллашув шароитида Наврўзнинг тарбиявий моҳияти янада тераллашади.

Наврўз айёми сумалак пишириш, келинса-лом, гул баъзи каби оммавий томошалар, ерга биринчи уруғни қадаш сингарни меҳнат билан боғлиқ, бирдамлик руҳини уйғотувчи маросим-лар, шунингдек, ҳашар, кекса ва беморлардан хабар олиш, арашлаганларни яраштириш каби миллий уюшқоқликни шакллантирувчи урф-одатларни акс эттиради. Бу ҳолат унинг шун-чаки байрам шодибанаси эмас, балки тизимли тарзда тартибга солинган ва узвийлик касб эт-ган яхлит қадрият эканини ифодалайди. Наврўз ана шундай буюк куч сифатида истилочио мустабиларни доим чўчитган. Шу бонс, бо-қинчилар ҳаммша Наврўзга ва бошқа миллий қадриятларимизга ҳужум қилиб келган.

“Сумалақдан тош топдим”

Сумалакнинг ҳанузгача қадрланиши ва ҳар қанча таъйинларга қарамай, халқимизнинг уни ҳар баҳорда пиширишдан воз кечмаганининг бир қанча сабаби бор. Биринчидан, у қишдан қиқиб, эл таъбири билан айтганда, “илиги қуриган” инсонга дармон бахш этади. Иккинчи-дан, халқимизда азалдан дон ва нон улугланиб, эъзозлаб келинган. Марказий Осиё халқлари табиий шароитга кўра қадимдан деҳқончилик-ка мошлаган. Ер, сув, экин, хусусан, бугун-да ва унинг ҳисолиси бўлиш ноннинг улуглани-шида худудга хос иқтисодий турмуш тарзи билан уйғунликини кўриш мумкин. Бу қадрият, ўз навбатида, бир қанча урф-одат ва амалларнинг шаклланишига асос бўлган. Масалан, халқи-мизда ерга тушган нон увоғини кўзга суртиш, бешиқдаги гўдакларнинг ёстиғи остига нон қўй-иш, сафарга отланаётганларга нон тишлайтиб қолиш ва “нон ушатиш” маросимлари асрлар

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246. 31346 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева Мусахҳис: Акбар Қаршиев Дизайнер: Хуришд Абдуллаев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй. Ҳа Ақуни — 01:09 Топшириди — 01:25